




Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов



Ватанимиз, бутун ўзбек халқи ўта оғир жудоликка учради. Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов шу йил 2 сентябрь куни оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оила-сида туғилди. Ўрта Осиеё поли-техника институти ва Тошкент халқ ҳўжалиги институтини му-хандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликлари бўйича ту-гатди.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги заводиди бош-лади. 1961 йилдан 1966 йилга-ча Тошкент авиация ишлаб чи-қариш бирлашмасида мухандис, етакчи мухандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, мутахассисликдан Респу-блика Давлат план комитети ра-исининг биринчи ўринбосари лавозимигача бўлган йўлни бо-сиб ўтди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1983 йилда Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Республика Давлат план коми-тетининг раиси этиб тайинлан-ди.

У 1986 — 1989 йиллар мо-байнида Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби лавозимида ишлаб, ўзи-нинг катта раҳбарлик ва ташки-лотчилик қобилияти, фидойили-ги ва қатъияти, эл-юрт дарди-ни, одамларнинг ташвиши ва муаммолари, уларнинг талаб ва манфаатларини юракдан ҳис қилиши билан гўя оғир ижти-моий-иқтисодий аҳволга тушиб қолган вилоятдаги вазиятни қисқа вақт ичида тубдан ўзгар-тиришга эришди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1989 йилнинг июнидан Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланди.

Уша пайтда республикамиз фуқаролар уруши, қон тўкиши, миллатлар ва конфессиялараро можаролар ёқасида турган эди. Воқеаларнинг ҳудди шундай ривож қўшни мамлакатларда амалга оширилган эди. Ана шун-дай ўта оғир даврда у ўзининг воқеаларни олдидан кўра би-лиш қобилияти, кучли ирода-си ва қатъияти билан халқимиз ва мамлакатимизни шундай ачинарли қисматдан сақлаб қолди.

Айнан уша даврда халқимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов тимсолида мард, буқилмас иро-да эгаси ва содир бўлаётган фавқуллода мураккаб ҳодиса-ларнинг моҳиятини давлат ман-фаатлари нуқтаи назаридан кўра оладиган, ўз Ватани ва халқи, ҳар бир юртодошининг тақдир учун алоҳида масъули-ятни ҳис эта оладиган ҳақиқий раҳбарга эга бўлди.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенга-шининг сессиясида Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбе-кистон ССР Президенти этиб сайланди. 1991 йил 29 де-кабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайло-вида Ўзбекистон Республика-сининг Биринчи Президенти этиб сайланди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 25 йил давомида мустақил Ўзбекистонни бошқариб, очиқ фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришининг чуқур ўйланган стра-тегисини ишлаб чиққан ва уни амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида мамлаката-мизда ва халқаро майдонда юк-сак обрў-эътибор қозонди.

Ўзбекистоннинг суверените-ти ва мустақиллигини сақлаш ва мустақамлаш Президент Ислом Каримов учун ҳамиша энг олий устувор вазифа бўлиб кел-ди ва у олиб борган сиёсатнинг асосий ўзак тамойили бўлиб қолди.

Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган барча оламшумул ютуқлар ва натижа-ларни мамлакатимизнинг Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ деб билади.

У ҳақли равишда демокра-тик талаблар ва халқаро мезон-ларга тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муаллифи бўлиб, уни ҳаётга амалий жи-ҳатдан таъбиқ этишининг ҳақиқий кафолатига айланди.

1991 йилда Ўзбекистон пах-та яккахокимлигининг ҳалокат-ли таъсири оқибатида иқтисо-диётни бирёқлама, мўрт ва но-чор ривожланган, аҳолининг ҳаёт даражаси гўя ачинарли аҳволга тушиб қолган қолоқ аграр мамлакат эди. Республика ҳаётли муҳим товарларнинг кўлгина турларини, биринчи навбатда галла ва энергия ре-сурслари бўйича маҳсулотлар-ни ўзида ишлаб чиқармас ва бу борадаги ўз эҳтиёжларини таъ-минлай олмас эди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий му-стақиллиқни таъминлаш мумкин эмас, деган фикрнинг қатъий тарафдор эди. Айнан шунинг учун ҳам Юртобшимиз томони-дан машур беш тамойил асо-сида бутун дунёда тарақийёт-нинг "Ўзбек модели" деб эъти-роф этилган Ўзбекистон иқти-содиётини тубдан ислох этиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш дастури ишлаб чиқилди. Бу моделнинг туб не-гизини "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун" деган стратегик йўналишини амалга ошириш ташкил этади.

Давлатимиз раҳбарининг та-шаббуси билан Ўзбекистонда кенг қўламли таркибий исло-хотлар амалга оширишти, нефть кимёси, кимё, автомобиль сано-ати, қишлоқ ҳўжалиги ва темир

йўл машинасозлиги, фармацев-тика, электротехника, тўқимачи-лик саноати, замонавий қури-лиш материаллари саноати каби юқори технологияларга асосланган мутлақо янги сано-ат тармоқларига асос солинди.

Устурт ва Шўртан газ-кимё мажмуалари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Кўнгирот сода заводи, Деҳқонобод кал-лийли ўғитлар қорхонаси, Ан-дихон, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги авто-мобиль заводлари сингари дунё микёсидаги ноёб саноат объеклари барпо этилди.

Республикамизда замонавий йўл-транспорт ва мухандислик-коммуникация инфраузилма-лари, жумладан, Қамчиқ тоғ домини орқали ўтадиган ноёб туннелни ўз ичига олган Ангрэн — Поп темир йўл тармоғи, Тош-ғўзар — Бойсун — Қумқўрган темир йўли бунёд этилди. Тош-кентдан Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарлари йўналишлар-и бўйича юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қат-нови йўлга қўйилди, халқаро аэропортлар модернизация қилинди, "Навоий" аэропорти негизида халқаро логистика маркази ташкил этилди ва Ўзбек миллий автомагистрали қурилиши якунига етказилди.

Ўзбекистоннинг дунёда энг жадал суръатлар билан ривож-ланиб бораётган иқтисодиётга эга бўлган бешта давлат қато-ридан жой олгани Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан олиб борилган исо-лохотларнинг амалий ифодаси бўлди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов қишлоқ ҳўжалигидаги чу-қур ўзгаришларни амалга оши-риш, ерининг ҳақиқий эгаси бўлган янги мулкдорлар синфи — фермерлик ҳаракатини шакллантиришининг ташкилот-чиси эди. Унинг ташаббуси билан жаҳон амалиётида ўша-

ши бўлмаган, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш-га қаратилган, қишлоқ аҳлининг ҳаёт даражаси ва сифатини ша-ҳардагидан кам бўлмаслигини таъминлайдиган намунавий уй-жойлар қуриш дастури амалга оширилмоқда.

Ислом Абдуғаниевич Каримов Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони сифатида Ўзбеки-стон Республикасининг мустақил-лигини, унинг ҳудудий яхлитли-ги ва сарҳадларимиз дахлсиз-лигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли химоя қилишга қодир бўлган замонавий Қуролли Кучларни тубдан ислох этиш, уларнинг жангавар салоҳияти ва қудра-тини оширишни таъминлади.

У туб негизда бошқа давлат-ларнинг ички ишлариға ара-лашмаслик ва вужудга келаёт-гани қарама-қаршилик ва жожа-роларни фақатгина тинч, сиё-сий йўл билан ҳал этишга асо-сланган тинчликпарвар сиёсат мужассам бўлган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиё-сат концепциясини ишлаб чи-қди ва амалга оширди. Давла-тимиз раҳбари минтақамизда ва бутун дунёда тинчлик ва барқа-рорлиқни сақлашга улкан ҳисса қўшди.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси асосида, эски қолип ва мезонлардан бу-тунлай воз кечган ҳолда, кенг микёсдаги Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълим-тарбия тизимини энг замонавий халқ-аро стандартлар бўйича тубдан ўзгартиришга қаратилган исо-лохотлар дастури ишлаб чиқил-ди ва ҳаётга жорий этилди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунининг ҳал қилув-

чи кучига айлиниб бораётган ёшларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини бутунлай ўзгартирган, навирон авлодни тарбиялаб воғга етказишининг янги принципал тизимини ташкил қилиш ва уни ҳаётга жорий этиш ишлариға бевосита раҳбарлик қилди.

Мамлакатимиз раҳбари мил-лий-маънавий кадриятларимиз-га ҳурмат-эҳтиром билан муно-сабатда бўлиш, муқаддас дини-миз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтарди, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори-ни оширишга катта ҳисса қўшди.

У фуқаролик жамияти инсти-тутлари, аввало, маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувида-ги нуфузини ошириш, улар-нинг вақолат ва ҳуқуқларини кенгайтириш масаласига алоҳи-да эътибор қаратди.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг пойтахтимиз Тошкент шаҳри, мамлакатимизнинг бар-ча шаҳар ва қишлоқлари қиёфасини замонавий мезморлик талаблари асосида тубдан ўзгартириш борасидаги кенг қўламли бунёдкорлик ишлари-ни эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов суверен ва мустақил Ўзбе-кистонни барпо этиш, халқлар-вар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлиқни таъминлаш ишиға қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жа-сорат кўрсатгани учун Ўзбеки-стон Қаҳрамони унвони, "Мус-тақиллик" ва Амир Темуру орденлари билан тақдирланган.

Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Фанлар акаде-миясининг ҳақиқий аъзоси эди. Айни вақтда у иқтисодиёт, илм-фан, таълим-тарбияни ривож-лантиришга қўшган улкан ҳис-саси учун қўлпаз хорижий мам-лакатлар университет ва акаде-мияларининг фахрий фан док-тори ҳамда академик этиб сай-ланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг фахрий унвон, орден ва медалла-ри билан ҳам муқофотланган эди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз халқини чексиз меҳр-муҳаббат билан сеवार эди ва ўзининг сўнги кунлариға қадр бутун ҳаётини Ўзбекистонга хизмат қилишга бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси-нинг Биринчи Президенти, ўзбек халқининг буюк фарзан-ди Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сўнмас хотираси барча миннатдор юртодошларимизнинг, бутун халқимиз-нинг қалбида абадий сақланиб қолади.

Мустақиллигимиз меъмори

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 4 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов хотира бағишланган маросим бўлиди.

Президентимиз портрети пойга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси ходимлари, вазирилик ва идоралар жамоалари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари юксак ҳурмат бажо келтириб, гуллар қўйди.

— Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардик билдирамиз, — деди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Сунь Лицзе. — Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов мустақилликка эришиш, давлатни ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўйди. Ислам Каримов бошлаган буюк ишлар давом эттиришга, Ўзбекистон янада равнак топишига ишонамиз. Ислам Каримовнинг Ўзбекистон — Хитой муносабатларини изчил ривожлантириш йўлидаги ишлари ва амалга оширган ислохотларини давом эттириб, ўзаро ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлайверамиз.

— Ислам Каримовнинг вафоти нафа-

қат Ўзбекистон халқи, балки бошқа мамлакатлар, хусусан, Россия учун ҳам оғир йўқотиш бўлди, — деди Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев. — Ислам Каримов Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари ва стратегик ҳамкорликнинг ривожланиши ҳамда мустаҳкамлашига катта ҳисса қўйди. Ўзбекистон босиб ўтган тараққиёт йўли Ислам Каримов номи билан боғлиқ экани барчамизга аён. Унинг хотираси Ўзбекистон халқи юрагида умрбод муҳрланб қолади. Ўзбекистон халқи Ислам Каримов танлаган йўлдан оғишмай олган боришига ишонамиз. Унинг олға аъзоларига, Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардик билдирамиз.

— Барчамиз қаттиқ қайғудамиз, — деди Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Памела Спратлен. — Ислам Каримов оиласига ва Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардик билдирамиз. АҚШ Ўзбекистоннинг узок муддатли ҳамкоридир. Ўзаро алоқаларни давом эттириш тарафдоримиз. Халқимизга сийҳат-саломатлик, фаровонлик ва барқарорлик тилаймиз.

— Шанхай ҳамкорлик ташкилоти номидан бутун Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардик билдирамиз, — деди Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ихроия қўмитаси директори Евгений Сисоев. — Ислам Каримовни юксак ҳурмат қилар

эдик. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ШХТнинг ташкил этилиши, фаолияти кўлами кенгайишига ҳар доим алоҳида эътибор қаратар эди. Ислам Каримовнинг бевосита ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ташкил этилган ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ихроия қўмитаси 13 йилдан буюн муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунгизга шерикимиз.

Ногоҳларда қатъият, ишонч ва меҳр балқиб турган Ислам Каримовнинг сурати қараб, шу заминда яшайётган ҳар бир инсон буюк Президентимиз амалга оширган эзгу ишлар — халқимиз учун дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитлар яратилгани, қудратли давлатчилигимиз барпо этилгани, давлатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлганини яна бир бор ҳис қилиб, буларни кўз қорачигидек асраш, бошланган эзгу ишларни давом эттиришга масъул эканини теран англамоқда.

— Юртбошимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон тараққиёти, халқимиз манфаати йўлида амалга оширган ишлари, ислохотлари йиллар оша қадри ошиб боришига шубҳа йўқ, бу инсоннинг хотирасини нафақат бугунги, балки келажак авлодлар ҳам мустақиллигимиз меъмори сифатида юксак қадрлайди. Ислам Каримов — тинчликпарвар сиёсатчи, буюк давлат асосчиси сифатида жаҳон тарихида ўчмас из қолдирди, — деди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек

туманидаги Навоий номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Саъдулла Насриддинов.

— Президентимизнинг "Бизга тинчлик ва омонлик керак" деган эзгу даъвати Ўзбекистон оналарининг дилидаги, тилидаги орзу-нияти бўлиб келган, — деди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси марказий кенгаши раиси ўринбосари Мухлиса Ақромова. — Ана шундай эзгу максдаларни рўйбга чиқарган Ислам Каримов юртимизда миллатлар ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини қарор топтириб, мустаҳкамлади. Бу барқарор муҳит юртимизда барча соҳаларда юксак ютуқ ва натижаларга эришилишига пухта замин яратди. Биз буни кўз қорачигидек асраб-авайлаб, келажак авлодимизга тинч ва обод Ватан қолдириш йўлида фидойилик кўрсатишимиз шарт.

— Президентимиз Ислам Каримов биз, ёшларни фарзандларим, деб атаганларидан доим фахрланганмиз, — деди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети 2-босқич талабаси Омонулла Собиров. — "Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз", деган даъватлари бизни доим олға интилишга ундайди. Юртбошимизнинг пок руҳи, ўғитлари биз, ёшларга мустаҳкам таянч бўлади. Биз у кишининг муносаб издошлари бўлишга ваъда берамиз.

ЎЗА

Барча таълим муассасаларида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти хотирасига бағишланган «Хотира дарслари» бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, барчамиз учун қадри инсон бўлган Ислам Каримов ўз ҳаёти ва тақдирини жонажон Ўзбекистонимиз, халқимизга бағишлади.

Мамлакатимиздаги барча таълим масканларида 4 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишланган "Хотира дарслари" бўлиб ўтди.

Улуғ раҳбаримизнинг Ватан равнақи, халқимиз олдидаги буюк хизматларини ёдга олиш мақсадида ташкил этилган мазкур дарсларда турли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг мутасаддилари, профессор-ўқитувчилар, маънавият тарғибчилари, тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов халқимиз, айнақса, ёш авлод қамолоти йўлида мунтазам ғамхўрлик кўрсатганини бутун жаҳон жамоатчилиги эътироф этмоқда. Юртбошимизнинг хотирасини азиз ва муқаддас билиш, истиқлол йилларида мамлакатимизда навқирон авлоднинг порлоқ келажиги йўлида яратилган шароит ва имкониятларни қадрлашга ўргатиш, ёшлар қалбидаги Ватанга муҳаббат, юртпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш кенг жамоатчилик, таълим фидойилари, ота-оналар зиммасидаги энг масъуляти вазифадир.

Ислам Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни собиқ мустақил тузум қарамлигидан озод қилиб, уни замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини, бутун жаҳонда "Ўзбек модели" деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, жаҳон миқёси-

да катта обрў-эътибор қозонган буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанимиз тарихида мангу қолади. Халқимиз ўзининг тарихан қисқа муддат — 25 йилда эришган барча ютуқ ва марраларини ҳақли равнақда Президент Ислам Каримов номи билан боғлайди ва шу улуг инсоннинг хизматлари, деб билади.

Ўқувчилар Президентимизнинг таржimai холи билан таништирилгач, махсус монитorda намойиш этилган фильмда Ислам Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, мамлакат мустақил тараққиёт дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбоби, юртимизда амалга оширилган улкан ислохотлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси сифатидаги хизматлари ҳақида сўз юритилди.

Мустақиллигимизнинг маънавий асосларини яратиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий жаҳалардаги түб ислохотлар, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, Куролли Кучларимизнинг қудратини ошириш йўлидаги ишлар бевосита Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилди. Президентимизнинг узокни қўлаган доно сиёсати, матонатли, жасорати билан Ўзбекистон тинчлик ва осойишталик барқарор, турли миллат ва диний қонфессиялар вакиллари ўзаро ҳамжиҳат, аҳил ва тотувликда истиқомат қилаётган мамлакатга айланди.

— Собиқ тузум даврида мустелик, қарамлик исқанжасига тушиб қолганимизни катта авлод вакиллари яхши эслайди, — дейди 169-умумтаълим мактаби директори Ерқиной Маматова. — Миллат дарди — менинг дардим, деб майдонга

чиққан Президент Ислам Каримовнинг жасорати билан бутун минтақамизда гараз ниятили найрангларга, турли фитналарга барҳам берилди. "Пахта иши", "Ўзбеклар иши" деган тухматларга чек қўйилди. Ноҳақ қамалган, жабр чеккан минглаб юртдошларимиз озод этилди. Бугун ёшларимиз тинч ва осойишта осмон остида, ота-онаси бағрида эмин-эркин улгаймоқда. Улар истиқлолни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш зарурлигини, бу ёруғ ва саодатли кўларимиз, бахтиёр ҳаётимиз халқимизнинг фидойи инсонлари чеккан машаққатлар эвазига келганини билиши керак.

Мамлакатимизнинг барча таълим масканларида бўлгани каби академик лицей ва касбхўнар коллежларида ўтган "Хотира дарслари"да ҳам Биринчи Президентимизнинг жонажон Ватанимиз буюк келажиги, тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилинди.

— Президентимиз Ислам Каримовнинг Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз озодлигини таъминлаш йўлидаги чеккан захмати, миллатимиз олдидаги юксак хизматларини ёшлар оғи ва қалбига синдириш гоғи улкан маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамиятага эга, — дейди Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги молия ва иқтисодиёт коллежи директори Отабек Мирзаганоев. — Айнақса, Президентимизнинг мамлакатимизни дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кўтариш, халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришдаги хизматлари халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Машгулотлар жараёнида келтирилган факт ва рақамлар

Ўзбекистонда истиқлол йиллари эришилган улкан ютуқлар ҳақида ҳикоя қилади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жағрамаси, уч босқичли спорт мусобақалари тизими ташкил этилди. Жағрама маблағлари ҳисобидан жойларда 300 га яқин болалар мусика ва спорт мактаби, 1 миң 900 дан зиёд спорт иншооти бунёд этилди. Сунги 10 йилда болалар ва ўсмирларнинг спорт билан мунтазам шугулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етди.

12 йилдан бери мамлакатимизда ялли ички маҳсулот ўсиши кўрсаткичи саккиз фоиздан зиёд бўлиб келмоқда.

— Бугунги дарс жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг нақадар жасоратли, мард, қатъиятли, узокни кўра олувчи, зуқко, эл-юрт ташвишларини ўз ҳаётининг маъно-мазмунига айлантирган инсон эканига яна бир қарра амин бўлди, — дейди ушбу коллеж ўқувчиси Моҳичеҳра Абдуқариқова. — Халқимизнинг буюк фарзанди Ислам Каримовнинг порлоқ хотираси барча юртдошларимиз сингари биз — ёшларнинг ҳам қалбимизда мангу муҳрланиб қолади.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ҳам "Хотира дарслари" замонавий ахборот, педагогик технологиялардан кенг фойдаланилган ҳолда ҳаётий мисоллар ёрдамида ўтилди.

Собиқ тузум даврида Ўзбекистон иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, аҳолининг ҳаёт даражаси ачинарли аҳволга тушиб қолган аграр республика эди. Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини

мустаҳкамлашга оид дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг галла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлашга эришилди. Нефть ва газ қимёси, нефтьга машинасозлиги, автомобилсозлик, қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, машиий электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озик-овқат, тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларнинг изчил равнақ топаётгани бу борадаги пухта сиёсатнинг амалий натижасидир.

— Президентимиз доим биз — ёшларга мурожаат этганларидан "Азиз фарзандларим, маррани банд олгинлар. Ўқиб-ўрганиш, касб эгаллаш, изланишдан бир муддат ҳам тўхтаманг", деб қўп бора тақорлаб, шу муқаддас заминни обод этиш, уни химоялаш барчамизнинг бурчимиз эканини ўқтирар эди, — дейди ушбу институт талабаси Умид Махидов. — Юртбошимиз каби Ватанимизга содиқ, фидойи, мард ва жасур, қатъиятли бўлиш бизларнинг чин фарзандлик бурчимиздир.

"Хотира дарслари" мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида бўлиб ўтди. Юртга фидойилик, ватанпарварлик, одамлилик, ибрат сабоқлари айланган ушбу дарсларда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг порлоқ хотираси барча ўғил-қизларнинг ёлида мангу сақланиб қолиши, улдар Ватанимизни, мустақиллигимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, тинч ва осойишта кулларнинг қадрига етиши, юртимиздаги ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш — бу барча юртдошларимиз каби ёшларнинг ҳам бурчи экани алоҳида таъкидланди.

ЎЗА

Ер — бебаҳо бойлик



2008-2015 йилларда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури асосида 10711,04 км узунликдаги коллекторларда мелиоратив тадбирлар ўтказилган. 230 минг 829 минг гектар ерда ер ости сувлари сатҳи тушиши ва шўрланиш даражаси пасайиши натижа-сида пахта ҳосилдорлигининг 3,2 центнерга, ғалла ҳосилдорлигининг эса 3,7 центнерга ошишига эришилган.

2016 йилда Давлат дастури асосида 26 минг 801 гектар майдонда ерларнинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлашга эришиш учун амалий ишлар бажарилмоқда.

Давлат дастурлари ижроси белгиланган муддатларда ва сифатли таъминланиши, ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши вилоят прокуратураси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан доимий назоратга олинган.

Вилоятда 2016 йил ҳосили учун 2346 та фермер хўжалик-лари билан тузилган контрактация шартномалари бўйича 78 минг тонна дон қисқа муддатларда давлатимиз омбор-ларига етказилиб, режа оши-

Мақсуд ИСКАНДАРОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси
бўлим катта прокурори

ғи билан бажарилди.

Афсуски, бебаҳо бойлик бўлган экин ерларига бўлган муносабат барча жойда бир хил, деб бўлмайди. Вилоят прокуратураси органлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти идораларида Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ижроси ўрганилиб, ўтказилган назорат тадбирларида айрим фуқаролар ўзбо-шимчалик билан фермер хўжаликларига ижарага берилган ёки ўзларига қўшимча то-морқа сифатида ажратилган ерларга турар жой иморатлар-ни қуриб олганликлари аниқ-ланди. Жумладан, ўзбошим-чалик билан ноқонуний ра-вишда ҳамда тегишли ташки-лотларнинг рухсатисиз Хонқа туманида 187 та ҳолатда 16,9 га экин ер майдонида, худди шунингдек, Богот туманида 129 та ҳолатда 12,8 га экин ер майдонида ноқонуний қури-лиш ишлари давом этаётгани маълум бўлди.

Ўтказилган текширишларда аниқланган қонун бузилиши

ҳолатларини бартараф қилиш ҳақида 11 та тақдимнома киритилиб, мансабдор шахслар-нинг қонунга зид бўлган 67 та ҳужжати прокурор протести асосида қонунга мувофиқлаш-тирилди. 3 нафар шахс маъ-мурий ва интизомий жавобгар-ликка тортилиб, қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзаси-дан 2 та жиноят иши қўзга-тилди.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 1-моддасида "Ер умуммиллий бойлиқдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва ф-ровонлигининг асоси сифати-да ундан оқилона фойдалани-ши зарур ва у давлат томони-дан муҳофаза қилинади" деб, 2-моддасида эса ер тўғриси-даги қонун ҳужжатларининг асосий принциплари сифати-да "қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг, энг аввало, сугориладиган ерлар-нинг алоҳида муҳофаза этили-шини, кенгайтириб борили-шини ҳамда улардан қатъий белгиланган мақсадда фойда-ланиши таъминлаш" белги-ланган.

Шундай экан, бу борадаги вазифаларимизга алоҳида масъулият билан ёндашиши-миз ва ҳар қандай қонун бу-зилиши ҳолатларига мураса-сиз бўлишимиз, фуқаролар ўртасида бу борадаги қонун-чиликни тушунтириш ишла-рини кучайтиришимиз лозим.

Юртимизда барча соҳалар каби қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижалари яққол намойён бўлмоқда ва бу нафақат мамлакатимизда, балки дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Хоразм вилоятда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 331 минг 332 гектар ернинг 238 минг 532 гектари олти мингдан ортиқ турли йўналишдаги фермер хўжалик-ларига узоқ муддатли ижарага берилган. Шунингдек, 51 минг 184 гектар ер майдонидан

фуқаролар томорқа сифатида фойдаланмоқда.

Вилоятда сугориладиган ер майдонларининг 152 минг 178 гектари ёки 57,3 фоизи куч-сиз шўрланган, 81 минг 235 гектари ёки 30,7 фоизи ўртача шўрланган ва 31 минг 912 гектари ёки 12 фоизи кучли шўрланган бўлиб,

Тадбиркор манфаати — устувор вазифа

Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қарати-лмоқда. "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"-ги, «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонулар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришга доир фармонлари ва ҳукумат қарорлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Бинобарин, юртимизда мазкур соҳага бўлган эътибор, тадбиркор ва ишбилармонларга яратилаётган шарт-шароит ва имтиёзлар тобора ортиб бормоқда.

Уйчи туманида ҳам бугунги кунда 1962 та хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, шундан 1684 тасини кичик бизнес субъектлари ташкил этади. Шуларнинг тўққизтаси ййрик, 269 таси бошқа турдаги корхоналардир.

Қайд этиш жоиз, туман прокуратурасининг ташаббуси билан хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида улар билан мунтазам учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Тадбиркорлик субъектлари фаоллари билан бир қаторда ҳозирда иш юрит-маётган субъектлар ходимларининг иштироки таъминланаётган мазкур учрашувлардан қўзланган мақсад туманда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашдан иборатдир. Шунингдек, учрашувларда тадбиркорликка оид қарор ва фармонлар, қонунларга киритилган ўзгаришлар юзасидан тушунчалар беришга ҳам алоҳида эътибор қарати-лмоқда.

Бундан ташқари, ташкил этилаётган тадбиркор фаолияти тўхтаб қолган хўжалик юритувчи субъектлар ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этишда муҳим жараён бўлиб, улар фаолиятини қайта тиклаш учун лозим бўлган (молиявий, ҳуқуқий) жиҳатларнинг қонуний асосда таъминланишига эри-шилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозим-ки, туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Презид-дентининг 2015 йил 15 майдаги "Ху-сусий мулк, кичик бизнес ва хусу-сий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2015 йил 28 сентябрдаги "Тад-биркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хиз-матлари кўрсатиш тартибининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси ало-ҳида назоратга олинган. Олиб бори-лаётган назорат тадбирларида аниқ-ланган камчиликларга ўз вақтида барҳам бериш, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини таъминлашга алоҳида эътибор қарати-лмоқда.

Хусусан, тадбиркорларнинг муро-жаатларига асосан, тумандаги банк филиалларидан яққа тартибдаги икки нафар тадбиркорга 65 милли-он сўм, бир фермер хўжалигига насл-ли қорамол сотиб олиш учун 280 миллион сўм, учта хусусий корхона-га ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун 500 миллион сўм кредит маб-лағлари бевосита туман прокурату-раси ёрдамида ажратиб берилди. Шунингдек, олти нафар коллеж би-тирувчиси ҳам ўз бизнесини йўлга қўйиши учун 31,5 миллион сўм кре-дит билан таъминланди. Ерқўрғон ҚФЙ, Муборак МФЙ ҳудудидаги "Аб-дурахмон ота Умрзақов" фермер хўжалигига "Футбол майдончаси, ки-йиниш ва ювиниш хоналари ҳамда

Нодирбек ҲАСАНБОВ,
Уйчи туман прокурорининг ёрдамчиси

ёш болалар спорт майдончаси" бино ва иншоотларини қуриш учун туман ҳокимининг қарори билан ер майдон-ни ажратиб берилди.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона дарча" марказига келиб ту-шаётган мурожаатларнинг ўз вақти-да қўриб чиқиши, уларнинг ижоб-ий ҳал этилиши, лойиҳалар устида ишлаётган фуқаролар учун катта бир имконият эканлиги барчамизга маълум. Аммо ўз ишига совуққонлик билан қараб, фуқаролар мурожаатлари-га бепасандлик қилинаётган ҳолат-ларнинг учраши ачинарли ҳол, ал-батта.

Прокуратура назорати жараёнида марказнинг масъул ходимлари томонидан ўзларига юклатилган вазифа-ларни лозим даражада бажармаслик, аризаларни белгиланган муддатлар-да ҳал қилмаслик, давлат рўйхатидан ўтказиш учун нотўғри ҳужжатлар юритиш, рўйхатдан ўтказилган тад-биркорлик субъектларига берилиши лозим бўлган хулосаларни тузмас-лик каби бир қатор қонун бузили-ши ҳолатлари аниқланди. Жумла-дан, еттига ҳолатда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда марказ мутахассислари томонидан расмийлик учун хуло-са тузилиб, имзосиз тикиб қўйила-верган.

Тегириш давомида бир нечта му-рожаатнинг ўз вақтида қўриб чиқи-лиши ҳамда еттига тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказиши таъминланди. Аниқлан-ган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан туман ҳоки-ми номига тақдимнома киритилиб, ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармаган "Ягона дарча" маркази-нинг уч нафар ходими интизомий, марказ директори эса маъмурий жа-вобгарликка тортилди.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбеки-стон Республикаси Қонунига мувофиқ, барча жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Мурожаатлар эътиборимизда

Жолбатир ХОЖАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг катта ёрдамчиси

Албатта, ҳар бир мурожаат ортида энг аввало, инсон тақдири туради. Ма-саланинг шу жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, Қорақалпоғистон Республика-си прокуратураси, шаҳар ва туман проку-ратураларида жисмоний ва юридик шах-сларнинг мурожаат этиши учун етарли ша-роитлар яратилиб, фуқароларни қабул қилиш хонаси, тадбиркорлар хонаси таш-кил этилган. Шу билан бир қаторда, муро-жаатларни "Ишонч телефонлари" орқали қабул қилиш навбатчилик асосида ташкил қилинган бўлиб, бу ўз навбатида фуқаро-ларнинг мурожаатлари ўз вақтида қабул қилиниши ва ҳал этилишида, уларнинг ҳуқуқлари таъминланишида муҳим ўрин тутмоқда.

Жумладан, Қўнғирот туманида яшовчи фуқаролар К.Турсинбеков, А.Калжанов, Р.Кидирбаев ва бошқаларнинг мурожаатла-ри ўрганилганда, жами 353 нафар ҳодимга ўзлари мەхнат қилаётган корхоналардан иш ҳақлари тўланмай келаётгани маълум бўлди. Урганиш натижасида 607 млн. 276 минг сўмлик иш ҳақларини ундириш бўйи-ча судларга даъво аризалари киритилди, аризалар тўлиқ қаноатлантирилди.

Шунингдек, тадбиркорлик соҳаси вакил-ларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатла-рини ҳимоя қилиш борасидаги мурожаат-лар ҳам доимий эътиборимизда бўлмоқда. Чунотки, Қўнғирот туман АСХИ ходимлари К.Кодиров ва Е.Шабатовлар доимий пуллик хизмат кўрсатиб турган яққа тартибдаги тад-биркордан қонунда назарда тутилмаган ҳуж-жатларни талаб қилишган. Хўжайли туман-ни ер ресурслари ва давлат кадастри бўли-ми раҳбари Т.Тасимбетов эса дефтор ҳўжа-лигини юритиш мақсадида ер ажратишни сўраган фуқаронинг мурожаатини вақтида қўриб чиқмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйган.

Ҳар иккала ҳолат юзасидан ҳўжубазларга нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, суд то-монидан жазо муқаррарлиги таъминланди.

"Дунёда болам деб яшайди ўзбек", деган машҳур мисрани битганидани сеvimли шоиримиз Муҳаммад Юсуф. Дарҳақиқат, фарзандларимизнинг камолини кўриш — барчамизнинг энг катта орзу-ҳавасимиз. Фақат бу орзу-ҳавас илгаригидек катта тўй қилиш, сеп йиғиш, машина олиш ёхуд данғиллама иморат қуриш билан чекланмайди. Энди ўғил-қизимизни ўқитиш, чиниқтириш, касб-ҳунарни қилиш, унинг асл келажagini таъминлашдек эзгу орзулар билан яшаймиз. Истиқлолнинг ҳаётбахш насимлари қалбимизга мана шундай улкан мақсадларни бахш этди.

Бугун юртимизда яратилган имкониятлардан баҳра олиб ўсаятган, спорт мажмуаларида, musiқа ва санъат мактабларида шуғулланаётган, бошқа соҳаларда катта муваффақиятларга эришяётган, ўз келажagini яратяётган, Батан раvнақига катта ҳисса қўшяётган болаларимиз, ёшларимиз сиймосида эртанги ёруғ кунларни тасаввур қиламиз.

"Мен бугунги ёшларимизни кўрсам, — деб қайд этганди Республикаимизнинг биринчи Президенти Ислоm Каримов "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш, — энг олий саодатдир" асариди, — ҳаёлимга шундай фикрлар келадикки, эй, сизлар бошқача тарбия олясизлар! Мушга бошқача! Бизнинг ёшларимизда бундай имконият ва шароитлар йўқ эди. Чунки биз бошқача даврда яшаганмиз, бошқача мафкуранинг маҳсули бўлганмиз. Фараз қилинг, мана шу 24 йилда турғилиб вояга етганлар эски замонни билмайдик. Уларнинг ҳаммаси, айтайлик, ҳозирги кунда компьютерда ишлаш бўладими, инглиз тилини ўрганиш бўладими, чет мамлакатлардаги ўз тенгдошлари билан беллашиш бўладими, спорт, илм-фан, маданият соҳаларида ўзини шундай кўрсатяптики, буларнинг барчасини кўрганда, одам беҳишёр гурурланиб кетади. Шахсан менга шундай пайтда бамисоли қаддим анча ўсгандек туюлади... Бу авлодни, ўзингиз тасаввур қилинг, мана шундай хислатларга, мана шундай фазилатларга, хусусиятларга эга бўлган ва катта-катта марраларга интиляётган болаларни тўхтатиб бўладими?"

Истиқлолимизнинг илк йилида туғилган ўғил-қиз бугун



Буюк келажак бунёдкорлари

йигирма бешга кирди. Замонавий мактаб, коллеж ва академик лицей, олий ўқув юртиларида таҳсил олди. Қўлига мутахассислик дипломини олди. Мустақил ҳаёт оstonасига кадам қўйиб, катталар билан бир сафда халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат фаолиятини бошлаб юборди. Айримлари оила кўрди, уйланыб, фарзандли бўлди. Янги даврнинг, мустақилликнинг мусаффо ҳавосидан симириб камол топди, унинг ҳаётбахш кудратидан баҳра олиб, орзулари ижобатига етаяпти.

Таълим тизимидаги туб ислохотлар жараёни мустақилликнинг мевасидир. Мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилган, бугунги кунда ҳам изчил давом эттирялган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида шунчалик кўп ишларга қўл урилдики, унинг самараси ўлароқ таълим масканлари қиёфаси тубдан янгилаш куруниш касб этди. Замонавий лойиҳалар асосида қурилган, таъмирланган бинолар, мукамаллашган моддий-техник база, сўнгги русумдаги ахборот-коммуникация технологиялари, ўқувчилар ёш имкониятлари ҳисобга олиниб, узвийлаштирилган янги дарсликлар, тақомиллаштирилган ўқув режа ва дастурлари, ўқув-услубий қўлланмалар, стандарт кўргазма ва таркатма материаллар, жаҳон стандартига мос тарзда жиҳозланган musiқа ва спорт иншоотлари ёшларимиз иxtиёрида.

Бугун бунёд этиляётган мактаблар, касб-ҳунар колледжлари, тиббиёт муассасалари,

уларда яратилган замонавий шарт-шароитларни оласизми, таълим тараққиётига киритилган улкан миқдордаги инвестициялар, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги хайрли ислохотларнинг оласизми — барча-барчасида жаҳон ахлининг ҳавасини келтирадиган даражадаги ютуқларимиз кўзга ташланади. Бу "ўзбек модели" деб аталган ўзига хос тараққиёт йўлининг жаҳоншумул эътирофидир. "Ким эдигу ким бўлди?" деган саволга муносиб жавоб бу!

"... Ҳеч шубҳасиз, ўз вақтида, яъни бундан 18 йил олдин Кадрлар тайёрлаш ва шунингдек, Мактаб таълимининг ривожлантириш умуммиллий дастурларини қабул қилганимиз таълим-тарбия соҳасида эски қолип ва асоратлардан холи бўлган, бугун ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган янги тизимни ҳаётимизга татбиқ этганимиз ҳақиқатан ҳам тарихий йил воқеа бўлди, десак, адашмаган бўламиз, — деб қайд этган эди Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоm Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида. — Бунинг натижасида мустақил ва янгича фикрлайдиган, замон талабига жавоб берадиган авлодни шакллантиришга эришдик, Ватанимизнинг эртанги кунини, тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган фарзандларимиз бугун минбарга чиқмоқда.

Сирожиiddин ФАЙЗИЕВ,
Қашқадарё вилоят
прокурорининг ўринбосари

Ўзингиз айтинг, азиз дўстларим, шунинг ўзи эртанги кунимизнинг энг мустаҳкам пойдевори эмасми?"

Ўзгача гурур ва ифтихор билан янграган бу сўзларда ёшларга бўлган улкан ишонч ва меҳр мужассам. Бу фирлар зиммамизга бу борада бошланган эзгу ишларимизни изчил равишда давом эттириш масъулиятини ҳам юклайди. Бу масъулиятни теран ҳис қилган ҳолда келажагимиз бунёдкорларининг камоли учун ҳамжихатликда меҳнат қилишимиз, фидойилик кўрсатишимиз зарур.

Истиқлол йилларида эришган энг катта ютуқларимиздан бири, ҳеч шубҳасиз, фуқаролар, хусусан, ёшларимиз ўртасида ҳуқуқий маданиятнинг юксалганидир. Бугун ёшларимиз ўз ҳуқуқларини, шу билан бирга, Ватан олдидаги бурчларини яхши англайдилар. Шу юрт тараққиётига, мамлакатимизда амалга оширялган ислохотлар жараёнига дахлдорлик тўғриси уларни янги марралар сари илҳомлантириб турибди.

Бугунги кунда мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, энг асосийси, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилиш

борасида мустаҳкам ҳуқуқий базанинг яратилгани, самарали ижтимоий ҳимоя тизимининг жорий этилганлиги, замонавий таълим муассасаларининг барпо этиляётганлиги, вояга етмаганлар ҳамда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларнинг амалга оширялганлиги ушбу сиёсатнинг яққол ифодасидир.

Ҳар йили академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини туғаллаётган минглаб ўғил-қизларимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари сафига қўшилишмоқда. Бу ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан миллиардлаб сўм имтиёзли кредитлар ажратилаяпти. Ҳа, бугунги ёшлар тадбиркорлик, ишбилармонликнинг асл моҳиятини тобора чуқурроқ идрок этишмоқда. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати изчил равишда амалга оширялганлиги ана шу ютуқ ва муваффақиятларга қанот бўлмоқда.

Жорий йилда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури асосида амалга оширялган бир қатор тадбирларда болалар ва ёшлар манфаатларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Хусусан, коллеж битирувчиларини, биринчи навбатда, қизларимизни иш билан таъминлаш, ўзининг кичик бир хусусий ишини, ўз бизнесини ташкил этишга интиляётган ёшларимизга имтиёзли кредитлар ажратилиш, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узок муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар харид қилиш учун истеъмолик кредитлари бериш борасидаги тадбирлар кўлами янада кенгайди.

... Ўзбекистон ёшлари бугун жаҳоннинг нуфузли майдонларида юртимиз байроғини баланд кўтаришяпти, ўз иқтидорларини ва меҳнатларини билан Ватанимиз тараққиётини янада юксалтиришга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшишяпти. Истиқлол берган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз келажакларини ўзлари яратишяпти. Мана шу кутлуғ ва дадил қадамлари билан Ўзбекистонимизнинг буюк истиқболини бунёд этишмоқда. Ҳа, бундай эзгу ниятлар авлодни асло тўхтаиб бўлмайди. Улар қўлни-қўлга бериб, Ислоm Каримовнинг бошлаган ишларини давом эттирадилар. Ўзларининг эзгу амаллари билан улуг зотнинг руҳларини шод этадилар.

Тадбир

Спорт — баркамоллик асоси



Спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, навқирон авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилган замонавий шароит ва имкониятлар уларнинг жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб улғайишига хизмат қилмоқда.

Каттакўрғон туман прокуратураси ва ҳокимлик ҳузуридидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ҳамкорлигида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг спортга қизиқишларини орттириш мақсадида ватанда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Мус-

Сирожиiddин УСМОНОВ,
Каттакўрғон туман прокурори

тақиллик болалари" шиори остида тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида спортнинг бокс, дзю-до, эркин кураш ва юнон-рум кураши турлари бўйича спорт мусобақалари ўтказилди.

Мусобақаларда 2002-2009 йилларда туғилган 350 нафар ўсмир-қизлар қатнашиб, қизгин баҳсларни мингдан зиёд спорт ишқибозлари томоша қилишди.

Мусобақа ғолиблари тақдирланиб, уларга ҳоимийларнинг эсдалик совғалари топширилди. Бу каби тадбирлар билан ўсиб келаятган ёш авлод қалбидида ватанга садоқат ва фидойилик хисларини тарбиялашга хизмат қилади.

Сендан фарзандингга боғ қолсин, эй дўст!

Чорак аср... Албатта, бу тарих учун қисқа давр. Бироқ бу вақт мобайнида Ўзбекистон халқаро миқёсда ўзининг муносиб ҳамда мустақкам ўрнини эгаллаб, халқимизнинг турмуш даражаси, эл-юрт фаровонлиги янада ошиб бормоқда.



Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Hudud»

тақада ижтимоий инфратузилмани яратиш борасида муҳим омил бўлиб, индустриал тараққиётни янги босқичга кўтарди.

Тилга олганларимиз она-Ватанимиз худудида амалга оширилган бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишларининг бир қисми, холос. Мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилётган бундай эзгу ишларнинг эса санаб адоғига етиш қийин.

Биз мустақиллик ҳақида, уни асраб-авайлаш хусусида гапирганимизда ҳар доим армияни тилга оламиз. Куролли Кучларимизнинг қудратини ошириш борасида тўхта-ламиз. Нега? Чунки Ислол Каримов таъкидлаганидек, мустақиллик, бу аввало, ҳуқуқ даражасидаги воқеаларнинг катагонлар ва уларнинг давоми сифатида "пахта иши" ва "ўзбеклар иши" уқубатлари билан боғлиқ. "Ўзбеклар иши", "пахта иши" деган баҳона билан саратонда чанг ютиб, қаҳратоннинг совуғида муз қотиб меҳнат қилган ўзбек дехқонига тўхмат қилинди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ва изчил давом эттирилаётган улкан ислохотлар асрларга татиғулик ютук ва янгиланишларни бизга инъом этмоқда. Бундан йигирма йил олдин тоғ оралаб темир йўл қўрилиб, поезд қатнови йўлга қўйилармиш дейилса, эртақ тўқимаянсани, деб бу гапни айтган одамнинг устидан кулишлари табиий эди. Ёки Қамчиқ довонидан темир йўл ўтказилади, 19 километрдан ортиқ тоғ тешилиб, туннел бунёд этилади, Фарғона водийси билан Тошкент ораси бир қадам бўлиб қолади, дейишса, қўй, бўлмайдиган нарзалар ҳақида лоф урма, дейишлари тайин эди. Фақат Мустақилликка тўша ўхшаган ҳаёлни ҳақиқатга айлантирди. 2007 йилнинг август ойида узунлиги 223 километри ташкил этувчи "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўл линиясининг ишга туширилиши халқимиз учун чинакам байрам бўлганди. Ушбу темир йўл 170 километр масофани ва 7 соат вақтни тежаш имконини берди. Мин-

Сендан фарзандингга
боғ қолсин, эй дўст,
Богинг ватан деган
ном олсин, эй дўст!

Таъбир жоиз бўлса, айнан мустақиллик боис мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган стандартлари ва нормаларига тўла мос келадиган давлат бошқаруви ва ҳуқуқий тизим яратилди. Иқтисодиётнинг самарали механизмига асос солиниб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолатлари мустақкамланди. Пировардида юртимизда барқарор тинчлик ва хотир-жамлик ҳукм сурмоқда.

Дарҳақиқат, Ватан — ягона. Шу боис унинг ҳар бир қарич ерини зарга, тупроғини олтинга қиёс этамиз. Она заминимизни муқаддас билиб, ҳар бир неъматини кўзимизга тўтиё айлаймиз. Истиқлол эса ана шу эзгу анъаналаримиз, тўйғуларимизга жўшқинлик бағишлади.

Маълумки, собиқ тузум даврида юртимиз фақат пахта хомашёси етиштиришга иқтисослаштирилган, пахта якка-хокимлиги ҳукм сурган аграр республика эди. Масалан, 1980 йилларда республика-мизда 107 та пахта тозалаш заводи, 409 та пахта пункти мавжуд бўлса-да, мамлакатимиз тўқимачилик саноати етиштирган пахта толасининг атиги 10 фоизини қабул қилиш ва тайёр маҳсулотга айлантириш имкониятига эга эди, холос. Мамлакатимиз ун, гўшт, ёғ, сут, картошка, туҳум, шаккар каби асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳатто оддий ош тузини ҳам четдан олиб келишга мажбур эди. Киши бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот бўйича Ўзбекистон собиқ иттифоқда ўн иккинчи ўринда, халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш, асосий турдаги маҳсу-

лотларни истеъмол қилиш жиҳатидан энг охириги ўринларда турарди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислол Каримовнинг чуқур ўйланган, жаҳон тажрибаси ва мамлакатимизнинг ички иқтисодидан келиб чиқиб амалга оширилган иқтисодий сиёсати халқимизни ана шундай инқироздан беталофат олиб ўтди. Қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шакли — фермерлик ташкил этилди. Фермерларда мулкдорлик ҳисси шакллантирилиб, меҳнатига яраша манфаатдорлиги оширилди. Фермерларни қўллаб-қувватлашнинг мустақкам қонунчилик базаси яратилгани, уларга қатор имтиёзлар тақдим этилгани тўғрисида аграр тармоқ эски тузум асратларидан халос бўлди. Одамларнинг ерга, меҳнатга муносабати ўзгарди. Муҳими, энди ҳар бир қарич экин майдонининг ўз эгаси бор. Бу эса ердан хўжасизларча фойдаланишга буткул барҳам берилганидан далолатдир.

Яқин ўтмишда қолақ аграр республика бўлган Ўзбекистоннинг бугунги кунда саноати тез ривожланиб, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши 34 фоизга етди. Экспорт-боп ва рақобатбардор маҳсулотларнинг 70 фоиздан ортиғи юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилиб, куч-қудрати ва саноатчилик юксалиб бораётган мамлакатга айланди. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти қарийб олти баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар ўн икки баробардан

зиёд ошгани республика-мизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотларнинг амалий самарасидир.

Ортада қолган йигирма беш йил мустақиллик берган неъматларни яна бир бор чуқур мушоҳада қилишга ундайди. Дарҳақиқат, мустақиллик — халқимизга эркин ва озод ҳаётни берган, миллий онг ва қадр-қимматни тиклаб, барчага ўзликини англаш туйғусини, тилимиз, муқаддас динимиз, қадрият ва урф-одатларимизни қайтариб берган бебаҳо неъматдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислол Каримовнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" номли асаридида "Мустақиллик биз учун аввало ўзлимизни англаш, инсоний қадримизни, урф-одат ва қадриятларимизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аҳдодларимиз, азиз-авлиё ва аллолларимизнинг табарруқ номлари ва меросини, гурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш каби беқиёс имкониятлар очиб берганини алоҳида таъкидлаш зарур", деб ёзгани беҳиз эмас. Зеро, истиқлол — бебаҳо неъмат. Унинг қадр-қиммати, энг аввало, кечага ва бугунги кунимиз қиёсида яққол намоён бўлади. "Биз ҳеч қимдан кам эмасиз, кам бўлмаймиз ҳам!" дея юксак марраларга интилаётган ёшларимиз қалбига эса гурур-ифтихор туйғулари лиммолди.

"Кеча ким эдиғу бугун ким бўлдиқ?". Бу саволга ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётидан

кўплаб мисолларни жавоб сифатида келтириши мумкин. Узоқ йиллар давомида ҳукм сурган коммунистик мафкура ва бир ёқлама иқтисодий сиёсат етказган жабру ситамларни халқимиз надомат билан эсга олади. Собиқ тузум давридаги воқеаларнинг катагонлар ва уларнинг давоми сифатида "пахта иши" ва "ўзбеклар иши" уқубатлари билан боғлиқ. "Ўзбеклар иши", "пахта иши" деган баҳона билан саратонда чанг ютиб, қаҳратоннинг совуғида муз қотиб меҳнат қилган ўзбек дехқонига тўхмат қилинди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ва изчил давом эттирилаётган улкан ислохотлар асрларга татиғулик ютук ва янгиланишларни бизга инъом этмоқда. Бундан йигирма йил олдин тоғ оралаб темир йўл қўрилиб, поезд қатнови йўлга қўйилармиш дейилса, эртақ тўқимаянсани, деб бу гапни айтган одамнинг устидан кулишлари табиий эди. Ёки Қамчиқ довонидан темир йўл ўтказилади, 19 километрдан ортиқ тоғ тешилиб, туннел бунёд этилади, Фарғона водийси билан Тошкент ораси бир қадам бўлиб қолади, дейишса, қўй, бўлмайдиган нарзалар ҳақида лоф урма, дейишлари тайин эди. Фақат Мустақилликка тўша ўхшаган ҳаёлни ҳақиқатга айлантирди. 2007 йилнинг август ойида узунлиги 223 километри ташкил этувчи "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўл линиясининг ишга туширилиши халқимиз учун чинакам байрам бўлганди. Ушбу темир йўл 170 километр масофани ва 7 соат вақтни тежаш имконини берди. Мин-

Олий ҳарбий таълим муассасаларида тантанали маросимлар бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазиригаининг олий ҳарбий таълим муассасалари тизимига қирадиган Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультетининг биринчи босқич курсантлари ҳарбий қасамга қабул қилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазиригаининг раҳбарияти, вазирилик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ва Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти Васийлик кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, курсантларнинг ота-оналари ва ақинлари иштирок этди.

Тадбирларда сўзга чиққанлар мамлакатимиз Куролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётгани, ҳарбий қисм ва олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳарбий хизматни ўташ ҳамда ҳарбий иш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиш учун барча шароит яратилганини таъкидлашди.

Тошкент олий умумқўшин қўмон-

донлик билим юртида компьютерда моделлаштириш ва симуляция бўйича махсус аудиториялар, ўқ отиш бўйича компьютерлаштирилган тренажёрлар, электрон ўқув воситалари, мультимедиа лабораториялари ва бошқа ахборот-коммуникация технологиялари курсантлар ихтиёрига берилган. Бу эса уларга ҳарбий мутахассис бўлишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди.

— Шундай унутилмас сана — Қасам-ёд қабул қилганимдан қалбимни фахрифтхор туйғуси чулбаб олди, — дейди биринчи босқич курсанти Асроржон Хасанов. — Юртимизда тинчлик ва фаровонликни сақлаш барчамизнинг бурчимиз ва устувор вазифамиздир. Ватанимиз олдидаги муқаддас бурчи-

мизни шараф билан бажаришга ваъда берамиз.

Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетининг биринчи босқич курсантлари ҳам қасамд қабул қилди.

— Бугун ўғлим Хурсандбекни қўллаб-қувватлаш учун оиламиз билан келдик, — дейди Самарқанд вилоятидан Юлдуз Бобоева. — Ўғлим Ватанимиз ва халқимизга, Президентимизга садоқат билан хизмат қилишга қасамд қилди. Бу барчамизнинг қалбимизни фахрга тўлдирди. Бу ўқтам йигитлар ўз қасамига содиқ, офицер ва Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга муносиб бўлишига ишонамиз.



Табаррук қадрият ТОПТАЛМАСИН

Оила — муқаддас қўрғон. Унда биз келажакимиз ворислари саналган фарзандларни камол топтираемиз. Ота-она, Ватан, халқ, миллат тушунчалари, уларга бўлган муҳаббатни сингдиришимиз қалбига. Маълум бир мақсад, муштарак орзулар билан яшаймиз, оила бағрида. Бу ҳаётнинг нурафшон олами.

Соҳибжон ҲАМИДОВ,
Наманган вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

ассуфланарлиси, бу оиланинг бунёд бўлганига ҳали бир йил ҳам тўлмаган.

Оқоридаги ҳар икки ҳолатда туманлараро судлар томонидан тўғри хулосага келиниб, никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъволар рад этилган. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги Қарорининг 16-банди, иккинчи қисмида келтирилишича, турмушда кечадиган вақтинчалик келишмовчиликлар ва тасодифий сабабларга кўра эр-хотин ўртасида келиб чиққан ихтилофлар, шунингдек, эр-хотиндан бирининг ёки ҳар иккаласининг жиддий важлар келтирмаган ҳолда никоҳ муносабатларини давом эттиришни хоҳламаслиги никоҳдан ажратиш учун етарли асос бўла олмайди. Никоҳдан ажратишга асослар бўлмаганда, суд даъвои рад этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 343-моддаси, биринчи бандида, суд ишни апелляция тартибда кўриб чиққач, ўз ажрими билан ҳал қилув қарорини ўзгартиришиз қолдиришга, шикоят ёки протестини қаноатлангирмасликка ҳақли эканлиги белгиланган.

Шулардан келиб чиқиб, апелляция инстанцияси суди ҳар икки ҳолатда ҳам ҳал қилув қарорини ўзгартиришиз қолдиришни лозим, деб топди.

Жиловланмаган ҳақлга, ўйланмаган фикрга эргашиб, оиланинг баҳридан ўтиш осон. Аммо юқоридаги оилаларнинг бирида гарчанд ҳали бола бўлмаса-да, иккинчисида икки нафар фарзанд бор. Қарангки, энг қизғин, ҳар икки йилнинг ҳақида аёли турмушдан ажрашишга рози эмас. Оиласининг тикланишини тастайди. Аммо...

Ҳа, жойларда, маҳаллаларда бу борадаги тадбирлар салмоғини янада кенгайтириш, янги бунёд бўлаётган оилаларнинг мустақкам бўлишига қатъий замин яратишга бўлган эътиборни янада кучайтириш лозим. Ҳолбуки, оила — биз учун азал-азалдан табаррук санаб келинган энг муҳим ҳаётий қадриятдир. Уни асраб-авайлаш, пок ва ҳалол тутиш, қадрига етиш ҳар бир шахсининг, айниқса, оила бошлиянинг масъулияти ва бурчидир.

Халқ саломатлиги йўлида

Давлатимизда мустақиллик йилларида жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларида ўтказилган ислохотлар, эришилган ютуқлар қаторида Қорақалпоғистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилди ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг самарали тизими барпо этилиб, қатор ижобий ўзгаришлар юз берди.

Даметкен БЕКБАЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
ўринбосари

фолий кислотаси бор бўлган умумий мустақкамловчи поливитаминаларнинг таъсири тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилмоқда ва ҳомиладор аёлларга поливитами комплекси тарқатилмоқда.

Туман, шаҳар тиббиёт бирлашмаларида ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигини кўриқдан ўтказиш жараёнида 9122 нафар ҳомиладор оммавий ультратовуш текширувидан ўтказилди. Хавфли гуруҳга ажратилган ҳомиладор аёллар скрининг марказида текширувдан ўтказилиб, уларнинг бир неча нафарида камчиликлар борлиги аниқланди ва ўз вақтида чоралар кўрилди.

Республика амбулатор поликлиника муассасалари томонидан аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий санитария ёрдами ҳолатини тизимли равишда ўрганиш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг профессорлари билан биргаликда Қўнғирот, Тўртқул ва Нукус туманларида репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, мустақкамлаш ва соғлом оилани шакллантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар мониторингинг ўтказилди. Аниқланган камчиликлар жойлардаги тиббиёт муассасалари

Хозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 38 та стационар, 234 та амбулатория-поликлиника муассасалари фаолият юритиб, шундан 188 та қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига бирламчи тиббий санитар ёрдамини кўрсатмоқда.

Республика даволаш-профилактика муассасаларида шу кунда жами 3790 нафар шифокор, 16777 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатиб келмоқда.

Истиклол йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида қўлга киритилган ютуқларимиздан

та вазибаларни юклади. "Саломатлик-3" лойиҳаси асосида ҳудуддаги 14 та туман ва Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан 737,9 млн. сўмлик замонавий асбоб-ускуналар сотиб олинди.


Олис ва чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳолини, айниқса, туғиш ёшидаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш юзасидан вазибаларнинг махсус, тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 4 та авто-



бири — хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ижобий ишларнинг амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу йўналишнинг тубдан ислохот қилиш бўйича бир қанча ҳукумат ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, уларда белгиланган тадбирларнинг амалиётга татбиқ этилиши давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармон ва қарорлари асосида оналар ва болаларга юқори малакали ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатувчи акушерлик ва гинекологик тиббиёт маркази ва кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ташкил қилиниб, уларнинг моддий-техник базаси мустақкамланди. Бу марказларда аёллар ва болаларга жаҳон стандартларига мос юқори малакали ёрдам кўрсатилмоқда.

Қишлоқ жойлардаги аҳолига хизмат кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустақкамлаш, малакали кадрлар билан етарли даражада таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижасида қишлоқ аҳолисига, жумладан, аёллар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати янада яхшиланди.

Айниқса, 2016 йилнинг мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" деб номлангани шифокорлар олдига янада кат-



мушинасида мутахассислар туманларга чиқиб, қишлоқда яшовчи аҳолини тиббий кўриқдан ўтказишмоқда. Республикада аёллар, ўсмир қизларнинг ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, туғиш ёшидаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш, тиббий маданиятини ва савиясини кўтаришга қаратилган тадбирларни кучайтириш мақсадида 2016 йилнинг 6 ойи давомида фертил ёшидаги аёллардан 50 фолизи яқини тиббий кўриқдан ўтказилиб, тўла соғломлаштирилди.

Касалликларнинг ва туғма нуқсонларнинг олдини олиш мақсадида патронаж ҳамширалар ва доялар томонидан ҳомиладор аёллар ўртасида

ходимлари билан биргаликда бартараф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш ва наслик касалликларнинг олдини олиш мақсадида жорий йил 1011 нафар никоҳланувчи шахс тиббий кўриқдан ўтказилди. Касалликларни аниқланган шахслар тегишли муассасаларда соғломлаштирилмоқда. Тиббий кўриқларнинг аҳамияти тўғрисида маҳаллаларда, оилаларда тушунтириш ишларини олиб боришга жамоатчилик жалб қилинган.

Ҳалолликка не етсин

Маиший шароитда чигитни қонунга хилоф равишда, сифат сертификатларисиз қайта ишлаш ва муомалага киритиш қонун билан тақиқланган.

Азизбек ХАЛМУРЗАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛҚК департаментининг
бўлим катта инспектори

Шу боис ҳам, халқимизни пахта ёғи билан узлуксиз таъминлаш, унинг нархи сунъий ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадига маҳсулот савдоси дислокацияси кўрсатилган турғун савдо шохобчалари орқали амалга оширилади.

Шундай бўлса-да, қатъий белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларни четлаб ўтиб, яширин равишда ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи шахслар учраб турибди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Қашқадар вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирлар жараёнида ана шундай ҳолатлар аниқланиб, ноқонуний фаолиятларга чек қўйилмоқда.

Жумладан, Қарши шаҳрида яшовчи фуқаро Зайнулла Умаров (исм-фамилиялар ўзгартirilган) таниши Роҳила Соатованинг уйда яширин цех ташкил қилиб, Миришкор туманида яшовчи фуқаролар Асрор Бойматов ва Аҳадбекдан қўлбола усулда ишлаб чиқарилган ёғ маҳсулотини харид қилган. Кейин Шаҳрисабз туманида истикомат қилувчи "Икром" исмли шахсдан турли сизимли полиэтилен идишлар ва "СОФ", "Косонёғ", "Қаршиёғ" деган номлар кўрсатилган этикетка-

ларни олиб, ёғни елим идишларга қадоқлаб чиққан ва уларни гўё заводда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатида Қарши шаҳридаги савдо дўконларига етказиб берган.

Тадбир давомида 3.Умаровдан қўлбола усулда ишлаб чиқарилган 9 млн. 459 минг сўмлик пахта ёғи, ёғ сотишдан тушган 4 млн. 259 минг сўм пул, 746 дона бўш елим идишлар, елим қопқоқлар, 5870 дона "СОФ" "Косонёғ", "Қаршиёғ" номли этикеткалар ва бошқа жами 17 млн. сўмликдан ошроқроқ маҳсулотлар ҳамда унга тегишли, ноқонуний фаолиятда фойдаланилган "Дамас" русумли автомашина ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Бундан ташқари, 3.Умаров ўзбошимчилик билан табиий газ тармоғига улашиб, давлатга 6 млн. 472 минг сўм микдоридан зарар етказганлиги ҳам маълум бўлди.

Ўтказилган тадбирда шунингдек, Қарши шаҳар "Ерқўрғон" деҳқон озиқ-овқат бозорига жойлашган яқка тартибдаги тадбиркор Носир Бегматовга тегишли савдо дўконидан яширин цехларда ишлаб чиқарилган истеъмолга яроқсиз 421 литр пахта ёғи, яқка тартибдаги тадбиркор Шокир Одиловга тегишли савдо дўкондан ҳам худди шундай усулда ишлаб чиқарилган 287 литр истеъмолга яроқсиз пахта ёғи топилиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Миришкор туманида олиб борилган тезкор тадбирда эса фуқаро А.Бойматов ўзига тегишли "Ободон" МФЙда жойлашган уйининг ёрдамчи хўжалигида чигитни қайта ишлаш билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланиб, 1200 килограмм чигит, бир тонна кунжар, 500 литр жувоз ёғи, 50 килограмм совун, қўлбола жувоз ускунаси ҳамда елим идишлар ашёвий далил сифатида олинган.

Мақкур ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан қонунбузарларга нисбатан тегишли жазо таъинланган.

Шу билан хуфиёна тарзда ноқонуний иш олиб борган шахсларнинг фаолиятига чек қўйилиб, бу масала хал бўлгандай гўё. Аммо, юқоридаги каби сифатсиз, тегишли талабларга жавоб бермайдиган пахта ёғи ишлаб чиқариб, мўмай даромад орттироқчи бўлганлар, бу маҳсулотлар фуқароларнинг соғлиғига хавф солиши мумкин эканлигини ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Зеро, ўзи учун раво кўрмаган ёмонлиқни бошқаларга ҳам раво кўрмаслик чинакам инсоний фазилатдир. Албатта, ҳамма ҳам яхши яшашни, фаровон турмуш кечирини истайди. Шундай экан, мақсадимизга эришиш учун ҳалол ва тўғри йўлни танлайлик. Ҳалол меҳнат ортидан келган роҳатгина кишига ҳузур-ҳаловат бахш эта олади.

Маълумки, маҳалла халқимиз ҳаётида асрлар давомида шакланган, замонлар синовидан ўтган, энг ноёб, энг адолатли бошқарув идораси сифатида ўзини ҳар томонлама номён қилиб десақ, муболага бўлмади. Дарҳақиқат, халқимиз азал-азалдан маҳаллада ўзининг миллий қадриятларини, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказиб келган.

Оқсоқолнинг қилмиши

Истиклол йилларида эса маҳалла институтининг ваколатлари кенгайтирилди. Маҳалланинг нуфузи ошиб, энг муҳими, ислохотлар жараёнидаги иштироки тобора ортиб бормоқда. Энг асосийси эса, аҳолининг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган ишончи ортди.

Бироқ айрим ҳолатларда ана шу ишончи суистеъмол қилаётган, вазифасидан ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолишни кўзлаётган маҳалла раислари ҳам учрайдики, уларнинг қилмишини асло оқлаб бўлмайди.

Янгиқўрғон туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинларидан бирининг раиси Маликжон Қорабоев (исм-фамилиялар ўзгартirilган)нинг жиноий қилмишлари тафсилоти ана шу эътирозларни тасдиқлайди.

2015 йилнинг кузи. Ҳамма экин-тиқиларни қишли-қировли кунларга қолдирмай йиғштириб олиш ҳаракатида. Ана шундай кунларнинг бирини М.Қорабоев ҳамқишлоғи Исмоил Саидовни учратиб қолади. Улар бир муддат у ёқ-бу ёқдан гаплашиб туриб, суҳбат ўз-ўзидан бог-роғлар ва бу йилги ҳосилга кўчди-ю, И.Саидов кўпдан буюн кўнглига тугиб юрган орзусини айтиб қолди.

— Бирор гектар ер олиб, бог яратиш ниятм бор эди, Малик ака. Шунинг иложи бўлармикан?

— Бўлганда қандоқ! — М.Қорабоев шундай дея бош иргаб қўйди.

И.Саидов раиснинг нимага шамма қилаётганини тушуниб, муддаога ўтди.

— Сиз ер олиб бера оласизми?

— Албатта! Фақат... бу иш ҳаражатсиз битмайди. Қолаверса, ерни ўз номингга хусусийлаштириб олишинг керак, бу иш ҳам...

— Сиз ерни топаверинг, пулидан асло хавотир олмаган! Бир неча кундан кейин М.Қорабоев И.Саидовни ўз хонасига чақиртирди.

— Ука, иш деярли битиб қолди. "Водий гавҳари" фер-

Собитхон ЖАЛИЛОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Наманган вилоят бошқармаси
катта инспектори

мер хўжалиги ер майдонидан бир гектарини фермер билан келишган ҳолда сенинг номингга расмийлаштириб берадиган бўлди. Фақат бунинг 1500 АҚШ доллари ҳаражати бор экан...

У "юқоридан сўрашпти", дегандек имо-ишора қилди.

И.Саидов "ишим шу билан битса, пулни берганим бўлсин", деди-ю, эртаси куни айтилган пулни маҳалла оқсоқолига олиб келиб берди.

Шу билан муаммо хал бўлгандек эди. Бироқ орадан ойлар ўтса ҳамки, М.Қорабоев ваздасининг устидан чиқарвермади. Боз устига, И.Саидовнинг кўнгироқларига турли баҳоналар билан жавоб қилиб юраверди.

Бир кун унинг ўзи И.Саидовга телефон қилиб қолди.

— Ука, ишинг битди ҳисоб! Фақат... боғни номингга расмийлаштириш учун яна бир миллион сўм керак бўлиб қолди. Хар ҳолда, ер ўз номингга бўлгани яхши-да...

Очмги, И.Саидов оқсоқолнинг яна пул сўрашини кутмаганди. Шунинг учун аввалига нима деярини билмай, иккиланиб турди. Сўнгра ноилжоз розилик билдирди. Аммо "ўзингга йўқ — оламда йўқ", деганларича бор экан, қариндош-уруғлардан дарақлаб ҳам шунча пул топа олмади. Ноилжоз қолгач...

— Пулни олиб келдим...

М.Қорабоев И.Саидовнинг қўлидан пулни олаётиб, "чўғи кам-ку?" дегандек қараб қўйди. Чиндан ҳам И.Саидов бир миллион сўм эмас, саккиз юз минг сўм олиб келганди. У шу боис "Зўрға шуни толдим", дея пулни берди-ю, хонадан чиқиб кетди. Шу захоти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари кириб келиб, М.Қорабоевни воқеа жойида қўлга олишди.

Ушбу ҳолат юзасидан М.Қорабоевга тегишли қонуний чора қўрилди.

«Устамон» тадбиркор

Хайрулла РУСТАМОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Қамашли туман бўлими бошлиғи

Қамашли туманидаги "Воҳид" хусусий корхонаси раҳбари Х.Салимов тадбиркорлик ишларини ривожлантириш учун банкдан кредит олаётганида лойиҳасида жуда кўп хайрли тадбирларни кўзга тутган эди. Аммо ДТ "Халқ банки" Қамашли филиали томонидан ажратилган 65 млн. сўмлик кредит маблағи ҳисоб рақамига келиб тушгач, хайрли мақсад-у вадалар унут бўлиди.

Хуллас, Х.Салимов томонидан 11 млн. 944 минг сўмлик банк устамаси ва кредит тўлови билан жами 76 млн. 944 минг сўм маблағ ноқонуний ўзлаштирилишига йўл қўйилди.

Бироқ "устамон" тадбиркорнинг "ялло"си узоққа бормади. У суд олдида қилмишига яраша жавоб берди ва жазосини олди.

Нафс йўлдан оздирди

Надомат ва афсус хатони тузатмайди. Буни Пешку туманида яшовчи Зиёвдин Жўраев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ўзи бошидан ўтказаяпти. У ички ишлар холими сифатида форма кийиб, кишлоғига кириб келганида катта-кичик, қўни-қўшниллар ҳавас қилишган эди. Бугун улар «Аттанг! Шундай йигит хато қилади-я», дея афсусланаётган бўлишса, ажаб эмас. Туман ички ишлар бўлимида катта инспектор лавозимда ишлаган Зиёвдин Жўраев нафсининг йўриғига юриб, қоқилди.

Ф уқаро Т.Самиев жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Оққўрғон туман судининг ҳукми билан айбонли деб топилиб, унга 2 йил синов муддати тайинланади. 3.Жўраев эса уни шартли жазодан озод қилиш вазифага судланувчининг та-

Жасур ЭРГАШЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Бухоро вилоят бошқармаси катта инспектори

ниши А.Холиқовдан пул сўрайди.

Тама чақиртиканакка ўхшайди. У яроҳат етказган жойининг ориги узоқ вақт унутилмайди. Хорликка етақалган тама қопқонига тушган ички ишлар ходими 400 минг сўм пулни А.Холиқовдан олаётган пайтида жиноят устида қўлга олинди.

Мисқоллаб йиғилган обрўга бир зумда пуртур етди. Ачинарлиси, ўзи қонун ҳимоячиси бўлиб туриб қонунга иттиҳорликни унутди.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг ҳукмига кўра 3.Жўраев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддасига билан 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан ҳамда 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Яширин цех ёғлари

Акмал Аҳмедов пул топшининг ноқонуний йўлини танлади. Ҳовлисига жувоз ускунасини ўрнатиб, яширин фаолиятни йўлга қўйган "тадбиркор" инсон саломатлиги учун яроқсиз пахта ёғини ишлаб чиқарди ва бозорда бемалол сотаверди.

Анвархон ҒАНИЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Оқдарё туман бўлими бошлиғи

У нинг яширин цехига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари кириб келишганда барчасига ойдинлик киритилди. Тадбир давомида яширин цехдан 580 литр пахта ёғи,

480 килограмм кунжара, 300 килограмм чигит, икки дона жувоз ускунаси, 10 дона турли ҳажмдаги чигит ёғи солишга мўлжалланган махсус идишлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Суд томонидан "ишбилармон" Акмал Аҳмедовга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди.

Китоб туманининг Қушбоши қишлоғида юз берган воқеани эшитган одам борки, бир зум қарахт аҳволга тушади. Бу ишни қимлар қилган? Нега?

Тутзордаги сирли қабр



...Бу оилани маҳаллада ҳамма биларди. Тўғрироғи, оила нотинчлиги туфайли яхшигина "ном" чиқарган эди. Эр-хотиннинг тинимсиз жанжал-тўполонлари кўни-қўшниларга ҳаловат бермас, уларни яраштириб қўйишдан, муросага келтиришдан қарчамаган фаолларнинг барча уринишлари зое кетарди.

Эр хотинни, хотин эрини айблашдан қарчамайди. Жанжал мушга айланганда, аёл болаларини етаклаб ота уйига югурди. Уйдагиларига эрини ёмонлаб, ўзини бечорахал кўрсатади. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Моҳира (исм-фамилиялар ўзгартрилган) уйга келгач, укасини кўриб қўйиб юборди. Ортидан мунгайиб келаётган 5 нафар боласи ҳам гўё айбдорлардек бошларини эгганча тоғасининг қаршида қатор бўлиб туришди.

— Яна урдими?

Шоҳруҳ бир опасига, бир қалтираб турган жиянларига қараб, беҳтиёр кўлини мушт қилди. Бу золимни нима қилса бўлади?

...Моҳира Турғун билан ҳаётини болаганида орзулари бир олам эди. Ўзини дунёдаги энг бахтли аёлдек ҳис этарди. Аммо бахтли ҳаёт кечирishi учун орзунинг ўзи камлик қилди. Бахт учун қурашиш, феъл-атворини ўзгартариш, қийинчиликларни сабр билан енгиш лозим. Моҳира аввалига келинлик вазифаларини сиқидилдан бажариб юрди. Бирок рўзгор дегани доим ҳам бут, тўкин бўлиб туравермасди. Етишмовчиликлар эр-хотин

муносабатларига таъсир кўрсата бошлади.

Баъзида улар арзимаган муаммолар қаршида ҳам ожиз қолишарди. Шунда эр жаҳлига эрк берар, аёл ҳам ундан қолишмасликка интилиб, муносабатларига совуқчилик туширарди. Жанжал Моҳиранинг ота уйига аразлаб кетиб қолиши билан якун топарди. Оила катталари уларнинг ҳали ёшлигини, ҳаётга тайёр эмаслигини тушуниб, яраштириб қўйишарди. Аммо кўнгил ойнаси дарз кетса, битмас экан. Онда-сонда бўлиб турадиган оилавий жанжаллар бора-бора одатга айланди. Уртадаги фарзандлар, уларнинг озор чекиши ҳам ҳаёлларига келмасди. Масалага маҳалла-қўй аралашди. Моҳирага ҳам, Турғунга ҳам насиҳат қилиб, уларни тўғри йўлга бошлашга ҳаракат қилишди. Аммо на эр, на хотин бу насиҳатларга қулоқ тутди. Иккиси ҳам ўз билганидан қолмади. Охири ҳамма безиб, уларнинг можароларига аралашмай қўйди.

Ўғлининг мактабда болаларни уриб, безорилик қилгани ҳам Турғуннинг ақлини жойига келтирарди. Қайтага, ўзининг омадсизлигига хотинини айбдор билиб, болалари кўз олдидан уни таққирлар, аёвсиз калтакларди.

Декабрь ойи. Турғун уйга келиб, жанжалга баҳона излай бошлади. Қишининг совуғига қарамай, кун ботаётган бир пайтда болаларига қўйларни далага ҳайдашни буюрди. Моҳира эрига болалар шомоллаганини, қўйларни чўпонга бериш кераклигини айтди. Турғунга шу

гап керак эди. Ҳезланиб, аёлининг тепасига келди. "Ҳали менга гап қайтараясанми?"

Шу баҳона бўлди-ю, Моҳирани калтаклай бошлади. Болаларининг кўз ўнгида уни ҳақоратлаб, қадр-қимматини ерга урди. Эртаси куни эрининг уйда йўқлигидан фойдаланган аёл болаларини етаклаб, ота уйига йўл олди...

Қишлоқдошининг тўйида ичиб маст бўлган Турғуннинг ёдига уйдан кетиб қолган оиласи тушди. Уларни олиб келиш учун қайночасиникига борди. Уни совуқ қарши олишди. Поччасининг қилмишларидан Шоҳруҳнинг жаҳли чиққан бўлса-да, ўзини босди. У билан совуқина сўрашди. Турғун бунга парво ҳам қилмади. Болаларига дўқ урганча, уйга қайтишларини айтди. Отасининг қаҳрли нигоҳларидан чўчиган, кундалик можаролардан безиб қолган болалар уйга кетишни истамай, тоғанинг ортига ўтишди. Бу Турғуннинг баттар жаҳлини чиқарди. Сўкинганича улар томон бостириб келди, қаҳрини сочди. Шоҳруҳ поччасидан болаларни ҳақорат қилмасликни, уларга яхши гапириб, меҳр кўрсатиб, уйга олиб кетиши мумкинлигини айтди. Почча эса бу гапларни тушунадиган аҳволда эмасди, шу сабабли у ўз билганидан қолмади.

Шундоғам опасининг хўрлашларига сабр қилиб келаётган Шоҳруҳнинг ортқ тоқати қолмади. Кўз олдида опасининг бечорахал қиёфаси гавдаланди. Шу кунгача тўпланиб келган газаби вулқондек бош кўтарди. Поччасининг ёқасига чанг солди.

— Нега опамни уриб, ҳақорат қилдинг?

Турғун Шоҳруҳнинг саволига жавоб қайтаришга улгурмади. Гарданияга тушган мушдан қалқиб, ерга йиқилди. Ғўдраниб, сўкинди. Шоҳруҳ эса қаршида душмани тургандек, поччасини аёвсиз ура бошлади. Турғун оғриқ азобидан "Бўлди, бас қил, опангни бош-

қа урмайман, ҳақорат қилмайман", дея бақира бошлади.

Бақир-чақирни эшитиб, Шоҳруҳнинг қўшни уйда турадиган қариндоши Жўрабек ҳам ҳовлиққанча етиб келди. Жўрабек Моҳиранинг бир неча марта уйга аразлаб келганидан, поччасининг унга раҳмсиз муносабатда бўлишидан ҳабардор эди. Воқеани кўриб, қариндошлик туйғуси жўш урди. У ҳам қонига беланиб ётган Турғунни теп-қилай кетди.

— Опамни бошқа урмасликка қасам ич!

Шоҳруҳ поччасининг ёқасидан тутиб, ўрнидан тургазди. Ичида кўзгалган оғриққа базўр чидаб турган Турғун Моҳирани бошқа урмасликка, ҳақорат қилмасликка, тинч-тотув яшашга қасам ичди. Кейин юзини ювиб, айвонга беҳол ўтирди. Боши оғриётганлигини, ётмоқчилигини билдирди. Шоҳруҳ билан Жўрабек Турғунга ичкарига жой тайёрлаб беришди...

Моҳира ишдан қайтгач, болаларидан юз берган воқеани эшитди. Эрининг аҳволини билиш учун у ётган хонага кирди. Ичида укасининг миннатдор бўлса-да, аммо эрининг қимирламай ётиши уни ҳавотирга солди. Қўлларини ушлаб кўрғанди, муздек. Наҳотки ўлиб қолган бўлса? Моҳира адашмаганди. Турғун олинган тан жароҳати ва ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаганлиги туфайли ҳаётдан кўз юмган эди.

Поччасининг ўлими хақидаги хабарни эшитган Шоҳруҳ бир зум қарахт аҳволда қолди. Ўзини тезда қўлга олиб, Жўрабекнинг олдига югурди. Унга бор гапни айтиб, энди нима қилиш кераклигини сўради. Ярим тун бўлишига қарамай, у опаси ва жиянларини уйига жўнатиб юборди. Опасига агар бирор одам эри қаердалигини сўраса, ишлаш учун Қозоғистонга кетган, дейишини тайинлади.

Опаси кетгач, Шоҳруҳ Жўрабек билан Турғуннинг жасадини олиб, қишлоқ четигаги тут-

Ойбек МУСТАФАЕВ,
Қашқадарё вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи
Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

зор ёқасига келишди. Атрофга аланглаб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилишгач, чўқур қазиди. Кейин жасадини чўқурга ташлаб, устига тупроқ тортишди. Шу пайт Шоҳруҳнинг мияси "ишлаб" кетди. Уйга қайтиб, итини уриб ўлдириди. Одамлар воқеадан ҳабар топмаслиги учун итнинг ўлигини ҳам чўқурга ташлаб, поччаси билан бирга, кўмиб юборди...

Моҳиранинг эрталабдан уйда пайдо бўлиб қолганлигини кўрган кўни-қўшнилар бироз ажбланишди. Чунки оғир вақтда осонликча уйга қайтмайдиган аёлнинг хотиржам юриши қизиқ эди. Бир-икки кўшни Моҳирадан Турғунни сўраб-суриштира бошлади. Моҳира укаси ўргатганидек иш тутди, қўшниларга эри ишлаш учун Қозоғистонга кетганлигини айтди. Агарда Турғуннинг қариндоши Сардор хушёрлик қилмаганида, балки "ёпиглик қозон ёпиглигича" қолиб кетиши ҳам мумкин эди. Сардор Турғун паспортини алмаштирмаганини, эски паспорт билан хорижга кетиб бўлмаганини яхши билгани учун Моҳиранинг гапларидан шубҳага тушди...

Турғунни қидириш ишлари бошланди. Айбдорлар қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди томонидан айбланувчилар Шоҳруҳ Тўраевга 16 йил муддатга, Жўрабек Ходиевга 15 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Оилавий ҳаётда кўнгилсизликлар бўлиб туради. Унинг олдини олиш учун эса ақл-идор билан иш тутиш, баҳс-мунозараларни жанжалга айлантирмастан тезроқ муросага келиш керак. Муросасизлик кулфат келтиришини унутмаслик лозим.

Ўзбилармонлик

ҳисобини билмаган фермер қонун олдидан жавоб беришига тўғри келди

Юртимизда фермерлик ҳаракати учун барча имкониятлар яратилган. Жумладан, бутун фермер ер эгаси, яъни мулкдор. Унга пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш учун барча ресурслар: ёқлиги, кимёвий ўғитлар ва бошқа зарур воситалар етказиб берилмоқда. Етарлича амалий ёрдам ҳам кўрсатилмоқда. Бир сўз билан айтганда, юртимизда фермерлар ҳар жиҳатдан қўлаб-қувватланмоқда. Фақатгина ана шу имкониятларнинг қадрига етиб, улардан оқилона фойдаланиш кифоя.

Ўз навбатида, соҳага қаратилмаётган юксак эътибор ҳамда ислохотлар моҳияти ва аҳамиятини ҳис этган фермерларнинг фаолияти равнақ топиб, улар эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Режаларни ортиги билан бажариб, пахта ва ғалладан салмоқли хирмон яратаётган янги давр кишиларининг саъй-ҳаракати фикримизга далил бўла олади.

Афсуски, улар орасида "фермер" деган номга доғ туширадиган, зиммасидаги бурч ва мажбуриятларни англаб етмайдиган, ислохотлар билан ҳамқаддам одимлай билмайдиган шахслар ҳам учрамоқда. Содикжон Тобаровни ҳам ернинг умрини беҳуда ўтказётган, режаларни барбод қилиб, ишончли суиистеъмол қилаётган фермерлар тоифасига киратиш мумкин.

Бундай дейишимизга етарлича асос ва сабаблар бор. Боиси, у муқаддам икки марта суднинг қора курсисидан жой олган. Аммо шунда ҳам жазодан тўғри хулоса чиқариб олмаган экан.

Наманган вилоятидаги "Навкент машъали" фермер хўжалиги раҳбари бўлган Содикжон "Намангандонмахсулотлари" ОАЖ билан тузилган шартномага асосан 2015 йил ҳосили учун 46,5 гектар майдондан 133 тонна бошоқли дон етказиб бериш мажбуриятини олганди. Лекин мажбуриятни унутиб, ўзбилармонликка йўл қўйди. Шахсий даромад олиш илнжида 5,5 гектарга ғалла экмади. Қолаверса, 13 гектар ғалла майдонини асоссиз равишда бузиб, ўрнига картошка, пиёз, лавлагли каби экинлар экиб етиштирди.

Ҳалол меҳнат қилганида, имконият-

ларнинг қадрига етганида етарлича даромадга ҳам эга бўлиши тайин эди. Аммо унда сабр-қаноат, эл-юрт олдидан мажбуриятни ҳис эта билиш хислатлари етишмади. Аслида экинлаган 18,5 гектар ғалла майдони учун "Микрокредитбанк" туман филиали томонидан берилган имтиёзли кредит ҳисо-


Ҳабибулла ИСАҚОВ,
Наманган вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи


бидан 9 млн. 451 минг сўм миқдоридан пул маблағларини ўзлаштириш билан талон-тороҳ қилди.

Дахлдор идораларнинг тегишли мутахассислари томонидан ўтказилган қисқа муддатли мониторинг натижаларида ўзбилармон фермернинг барча қилмишлари фош этилди.

Кўза кунда эмас, кундида синишини кеч пайқаган Содикжонга яна бир бора жиноий ишлари учун жавоб беришига тўғри келди.

Суд ҳукми билан Содикжон Тобаровга қилмишига яраша жазо тайинланди.





Эгри йўлдан юрганларнинг қисмати

Ҳозирги ёшлар изланувчан, тиришқоқ бўлиб ўлғаймоқда. Билимга ишонганлари ўз ҳаракати билан олий ўқув даргоҳларининг талабалари сафларига қўшилмоқда. Ўзига ишонмаган, аниқроғи, жон куйдириб, кечаю кундуз китоб varaқлашга эринаётганлари бошқа йўллари ахтариб кўришмоқда. Бундай пайта эса товламачи-фирибгарларнинг "ов"лари барорилан келади.

Ака-ука Абдалим ва Музаффар икки мартадан судланган. Бирок улар бундан тўғри хулоса чиқаришмаган экан. Эҳтиёжи, манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ака-ука танишлари Жамилани ҳам ўзларига шерик қилишди. Ўзаро келишувга асосан Музаффар ўқишга кириш истагида юрган йигит-қизларни топадиган, уларга акаси Абдалим Давлат тест марказида ҳуқуқшунос бўлиб ишлагани, ҳар қандай олий ўқув юртига киритишга қурби етишини айтиб, одамларни ишонтирадиган бўлди.

Ака-ука айланлиб юриб, Самарқанд шаҳридаги дўконлардан бирига киришди. Сотувчи билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, чиқишиб қолишди. Сўхбат чоғида сотувчи Малоҳот опа ўғлини олий ўқув юртига киритиш ниятида эканлигини айтган эди, бу гапни ушлаб олган Музаффар то опанинг ўғлини иқтисодий факультетига киритиб қўйиш эвазига ундан 2000 АҚШ долларини олмагунча тинчиммади. Бирок, ваъда ваъдалигича қолиб кетди. Пуллар эса сарфлаб юборилди.

Кунларнинг бирида Жамиланинг уйига қўшниси Муаттар келиб қолди. "Элакка чиққан аёлнинг элик оғиз гапи бор", деганларидек, Муаттар ҳам қўшниси билан анча сўхбатлашди. Гап айланлиб Муаттар икки қизини ҳам ўқишга киритиши кераклигини, агар бири кириб, иккинчиси киролмай қолса, яхши бўлмаслигини, таниш топса, иккаласини ҳам битта институтга киритишни мўлжаллаётганини айтган эди, Жамила бирдан жонланди.

— Сизга ўзим таниш топиб берман. Иккала қизингиз ҳам ўқийди. Бир неча йилдан бери шу иш билан шуғулланадиганларни билман. Кўпчиликини ўқишга киритган, истансангиз сизни ҳам таништираман...

— Қандай бўларкин? Мушқулимизни осон қилса, яхши бўларди-я! Мен дадаси билан маслаҳатлашиб кўрай-чи! — Муаттар шундай деганча шошиб уйига кетди.

Эр-хотин анча ўйлашди. Нима бўлса ҳам фарзандларини олий маълумотли қилиш кераклиги хақида бир қарорга келишгач, Жамила айтган кимсалар билан танишадиган бўлишди. Хуллас, Музаффар улар билан учрашди.

— Қизларингизни қайси ўқишга киритмоқчисиз?

— Бошланғич таълим факультети, — деди Муаттар.

— Мана, етти йилдан буён кўпчилик ёшларнинг талабалар сафига киришига ёрдам бериб, ишончларини оқладик. Сизлар ҳам хаража-

тидан қочмасангиз, иккисини ҳам бир гуруҳга, битта йўналишга ўқишга киритиб бераман, — деди Музаффар ишонч билан.

Муаттарнинг турмуш ўртоғи буни қандай уйдалашини сўраган эди, Музаффар пинагини ҳам бузмай: — Акам давлат тест марказида ҳуқуқшунос бўлиб ишлайди. Ичкарида танишлар бор. Агар ишонмасангиз, тилхат ҳам ёзиб беришим мумкин, — деб жавоб берди.

— Хўп, харажати қанча бўлади? — Иккала қизингизни ўқиши учун 4000 АҚШ доллари берсангиз, иш пишди, деб хисоблайверинг.

Аmmo пулни олган йигит шу билан корасини кўрсатмай кетди.

Ана шундай омади чопмаганлардан яна бири Мурод эди. Унинг саломатлиги бўлмай, Самарқанд шаҳридаги шифохоналардан бирида даволанди. Шифохонада унга иштихонлик Фолиб палатадош бўлди. Сўхбатларнинг бирида Мурод бир неча йилдан бери ўқишга киролмай юрганини гапириб қолди.

— Ўқишга киритадиган ишончли одамим бор, таништириб қўяйми? — деди Фолиб. Мурод рози бўлди. Фолиб Музаффарга кўнғирок қилдида, бу ҳақда айтган эди, у розилик билдирди. Шу тахлит Мурод Музаффар билан учрашди.

— Ўқишга киришимга ишонсам бўладими? — сўради Мурод.

— Мен бу иш билан бугун шуғулланаётганим йўқ. Акам тест марказида юрист бўлиб ишлайди. Ўзи қайси ўқишга топширгандин?

— ТАТУнинг Самарқанд филиалига топширгандим, бўлмади. — Хавотирланма! Ҳал бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Акам билан гаплашиб, ўқишингни "суперконтракт" қилиб берман.

Орадан ўн-ўн беш кун ўтгач, Мурод онаси билан Музаффарга учрашди.

— Ўғлим сиз ҳақингизда айтганди. Шунга сиздан умид қилиб келгандик, — дея гап бошлади Муроднинг онаси.

— Ҳа, акам тест марказида, ўзим орданда ишлайман. Бизга юз фоиз ишонсангиз бўлади, — деди Музаффар.

— Биз уйдагилар билан маслаҳатлашайлик, кейин сиз билан хабарлашамиз, — дея она-бола кишлоққа қайтишди. Бирок, Муроднинг отаси уларга ишонмади, рози бўлмади. Шундан сўнг, Мурод кўшимча дарсларга қатнаб, тайёрланиб юрди. Кириш имтиҳонига яқин қолгач, ота-онанинг юрагига гулгула туша бошлади. Апрель ойида Муроднинг ота-онаси Музаффар билан яна учрашди. Музаффар уларга "5000

Шавкат УЗОҚОВ,
СВОЖДЛКК департаментининг
Самарқанд шаҳар бўлими бошлиғи
Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huquq»

доллар берсангиз, ўғлингизни ўқиши ҳал бўлади", деди кескин оҳангда.

Улар рози бўлиб, олдиндан 500 АҚШ доллари беришди. Орадан бироз вақт ўтиб, Муроднинг отаси Самарқандга келди ва Музаффарга яна 400 АҚШ доллари бериб кетди. Орада Мурод ҳужжатларини Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалига топширди. Аммо ўқишга киролмади. Отаси Музаффар билан боғланди.

— Ўғлим ўқишга киролмабди, энди нима қиламиз?

— Хавотирланманг, ўқишни ҳал қиламиз. Пахта теримидан кейин "суперконтракт" қилиб бераман.

Шундан сўнг ҳам Музаффар турли бахоналар билан Муроддан 1500 АҚШ доллари олди. Кейин эса Абдалим ҳам, Музаффар ҳам корасини кўрсатмади. Анча умид қилиб кутгач, Муроднинг ота-онаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишди.

Тергов жараёнида ака-укалар М.Абдурахимовдан 2 млн. 800 минг сўм, А.Одиловдан 3000 АҚШ доллари, У.Розиккуловадан 4 минг 400 АҚШ доллари, А.Умаровдан 4000 АҚШ доллари, Г.Сафаровдан 5000 АҚШ доллари, У.Раҳматовдан 4000 АҚШ доллари, Н.Хамидовдан 800 АҚШ доллари, Н.Пардаевадан 4000 АҚШ доллари ва яна шулар қатори 11 нафар фуқародан фарзандларини ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, жами 62 минг АҚШ долларидан ортқ пулларни қўлга киритишгани маълум бўлди.

Ибтидонинг интиҳоси бўлганидек, бир неча йиллардан буён ўзга-ўзга хисобидан кун кўриб, чўнтақларини қаппайтириб юрган ака-укаларнинг қилмишлари фош бўлди. Суд ҳукми билан Абдалим ва Музаффар Мусаевларнинг ҳар бири 8 йилга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, улардан солидар тартибда 134 млн. 302 минг сўм давлат фойдасига ундирилмаган бўлди. Уларга шерик бўлган Жамила Якубова ҳам қилмишларига яраша жазо олди.

Хулоса қиладиган бўлсак, фарзандларини ўқишга киритишда айрим ота-оналар ноқонуний йўл тутиб, мана шундай фирибгарларга рўпара бўлмоқдалар. Оқибатда пешона тери билан йиққан пуллари-дан айрилганларга етмаганидек, ўзлари ҳам турли руҳий азобларни бошдан кечиришмоқда. Шунинг учун ҳам фарзандингизни билим олишига ёлғиндан жиддий эътибор қаратинг. Юксак билимга эга бўлган инсон ҳеч қачон қоқилмайди.

Олғир сотувчилар

Ҳабибулла ТУРГУНОВ,
Жиззах вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Диором Усмонованинг (исм-фамилиялар ўзгартirilган) турмуш ўртоғи ҳисобчи бўлиб ишларди. Нима бўлди, у катта камомалага йўл қўйди. Камомални тўламоса, жавобгарликка тортилиши аён бўлганидан сўнг пул қизира бошлади. Бахтига шаҳарда Диоромнинг номида уйи бор эди. Эр-хотин маслаҳатлашиб, хонадонни сотувга қўйишди. Бундан хабар топган Бобур Зоиров ва Жамшид Аҳмедовларнинг пайтавасига қурт тушди. Боиси, уй эгасини ўзларининг гаразли мақсаллари йўлида кўнғирсалар, жарақ-жарақ пул оқиб келарди. Диором ҳам калта ўйлаб, ушбу таклифга қўнди.

Хуллас, жинойи режага асосан уйнинг олди-сотдиси қалбаки ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган бўлди ва шу йўл билан улар уйни бир неча шахсга пуллашни мақсад қилишди.

Биринчи сотувдан тушган пул билан Д.Усмонованинг турмуш ўртоғи йўл қўйган камомад ёпилди. Кейинги сотувлардан тушган пуллар эса, ўртада тақсимланадиган бўлди. Ишонч миси чиқиб қолишдан шубҳаланган Диором: "Мабодо устимиздан арз қилишса, нима бўлади", деб чўчиган эди, Бобур унга далда берди: "Бугўни бизга қўйиб беринг, орданда "бақувват" одамимиз бор, биров мушугимизни пишт деса, ўзи тўғрилаб юборади", деб Д.Усмоновани алдади.

Бу гап билан Диоромнинг кўнгли жойига тушди. Шундай қилиб уйни сотиш ҳаракатлари бошланиб кетди. Қўни-қўшиларга, яқинларга сотиладиган уй хақида хабар тарқатишди. Орадан кўп ўтмай бу гаплар шаҳарнинг "Иттифок" маҳалласида яшовчи Дилдора Пирназарованинг қулгоғига етиб борди. Шаҳар марказидан уй сотиб олишни дилига тугиб юрган Д.Пирназарова сотиладиган хонадонни кўрди. Кўнглига ўтирди, шекилли, сотиб оладиган бўлди. Тортиш-тортиша уйнинг нархини чиқаришди. Келишувга қўра, уй 54 млн. сўмга баҳоланди. Кўнглида ҳеч қанака шубҳа йўқ харидор бўнақ тариқасида 100 АҚШ доллари узатди.

— Пулни тайёрлаб бўлгач, ўзим кўнғирок қиламан, — деди у ишонч билан.

Уч кундан сўнг қутилган кўнғирок бўлди. Бобур билан Жамшид Д.Пирназарованинг уйига келишди. Харидорнинг ишончига кириш ва ўзларининг ҳалоллигини кўрсатиш мақсадида, олган пуллари хақида тилхат ҳам ёзиб беришди. Шу билан улар Д.Пирназарованинг уйдан 53 млн. сўмни олиб чиқиб кетишди.

Келишилганидек, Д.Пирназаровадан олинган 53 млн. сўм пул жинойи шериклар ўртасида тақсимланди.

Жинойи гуруҳнинг аъзоси бўлган Бобур Зоиров ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу шахс энди-гина ўттиз ёшга кирган бўлса-да, бир неча бор судланган. Биринчи бор унга 2010 йилда жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг ҳукми билан уч йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси берилган эди. Орадан олти ой ўтиб, 6 йилга озодликдан маҳрум этилади. 2012 йилда у яна суднинг қора курсисига ўтирди. Бу сафар унга уч йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. 2013 йилнинг январь ойида жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг ҳукми билан бу кимса яна 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. 2015 йил 30 январда бу жазонинг ўталмай қолган қисми ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган эди.

Жиноятнинг умри қисқа, ноқонуний қилмиш эса ҳамisha жавобгарликка етаклайди. Ушбу жинойи гуруҳининг ҳам барча найранглари фош этилди. Суд уларнинг қилмишига яраша жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.





Транзит йўлаклар барпо этилади

Туркменистон президенти Гурбангули Берdimуҳаммедов ва Туркия транспорт, денгизчилик ва алоқа вазири Аҳмад Арслон транспорт соҳасида ҳамкорлик масалаларини муҳокама этишди, деб хабар қилмоқда маҳаллий оммавий ахборот воситалари. Учрашувдаги асосий эътибор халқаро транзит-транспорт йўлакларини барпо этишга қаратилган.

"Туркменистон ва Туркия давлатларининг "Шарқ-Фарб" ва "Шимол-Жануб" йўналишларида замонавий халқаро транспорт йўлакларини барпо этишда имкониятлари кенгдир", — деган Туркменистон президенти. Шунингдек, учрашувда Каспий денгизидagi Туркманбоши шаҳрида Халқаро денгиз портини барпо этиш масалалари ҳам муҳокама қилинган.



«Лайонрок» тўфони оқибати

Шу ҳафтада Япониянинг шимолий ва шимоли-шарқий ҳудудларига бостириб келган тўфон натижасида қурбонлар сони 16 кишига етди. Бу ҳақда "NHK" телеканали маълум қилди.

Қурбонларнинг аксарияти Иватэ префектурасида қайд этилган. Улардан 9 нафари Иваидзуми шаҳридаги қариялар уйида яшаган. Уларнинг жасадлари ўтган чоршанба кўни қўтқарувчилар томонидан топилган.

Жорий ҳафта бошида Хонсю оролининг шимоли-шарқидида ҳамда Хоккайдо шимолий оролида тўфон натижасида содир бўлган тошқин сув тўғонининг ёрилишига олиб келган. Натижада ушлаб уйлар чироксиз қолган. Шунингдек, 100дан ортиқ авиарейслар бекор қилинган.

Август ойининг ўртасида Японияга "Миндоль" тўфони келган бўлиб, бунинг натижасида 1 киши ҳалок бўлган ва 60 нафардан ортиқ киши жароҳат олган эди. Ушундан ярим миллион аҳолига эвакуация қилиш тавсия қилинганди.



Гонконгда сайлов

Хитойнинг махсус маъмурий тумани — Гонконгда қонунчилик кенгаши депутатлари сайловлари ўтмоқда. Кейинги тўрт йилга Гонконг парламентининг янги таркибига 70 нафар депутати сайланиши керак бўлади.

Аҳолиси 7,3 млн. киши бўлган шаҳарда 3,78 млн. сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, мамлакатда 600 га яқин сайлов участкалари ташкил этилган.

Маҳаллий сайлов тизимига кўра, депутатларнинг ярами функционал сайлов округларида билвосита овоз бериш йўли билан аниқланади. Асосий кураш қолган 35 та депутатлик жойи учун бўлади. Ушбу депутатлик мандатлари учун 213 нафар номзод кураш олиб боради.

Автотураргоҳда бахтсиз ҳодиса

Исроил пойтахти Тель-Авив шаҳридаги кўп қаватли автомобиль тураргоҳларидан бирига қурилиш крани қулаб тушди. Натижада икки киши қурбон бўлган, деб хабар қилмоқда "Ynetnews" ахборот агентлиги.

Таъкидланишича, бино тўрт қаватдан иборат бўлган. Сўнгги маълумотларга кўра, 27 киши жабрланган, 3 кишининг тақдири номаълумлигича қолмоқда.


"Бинонинг устунларига зарар етган. Шунга кўра, бинонинг қулаш эҳтимоли юқори", деб хабар берган полиция вакили.



Сингапурга «Зика» хавф солмоқда

Сингапурда яна 27 нафар фуқарола Зика вируси қайд этилди ҳамда айни вақтда умумий касалланганлар сони 242 кишини ташкил қилмоқда, деб маълум қилди мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги.


Сингапур соғлиқни сақлаш вазири Эми Хор вирус билан касалланган беморлар ва унга гумон қилинганлари изоляциялаш масаласини қайта кўриб чиқди. Э.Хорнинг айтишича, вирус тарқатувчиларига ўз уйларида тегишли эҳтиёт чораларига амал қилинган ҳолда қолишларига руҳсат берилди.



Юз сония ичида йирик ўғирлик

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида антиқа ўғирлик содир этилди. Тўрт нафар киши "BMW" автосалонида кириб, "BMW X6", "BMW 7", "BMW X5" ва "BMW 5" русумдаги автомобилларнинг "Гран туризмо" моделларини (жами автомобилларнинг қиймати 20 млн. рублга яқин) ўғирлаб кетишган. Таъкидланишича, ушбу жиноятни амалга ошириш учун икки дақиқа вақт ҳам кетмаган.

Маълумотларга кўра, автомобиль ўғирлари дастлаб янги машиналарнинг иккинчи қалитлари сақланадиган сейфни ўғирлашган. Улар сейф сақланган бино етарли тарзда қўриқлан-маслиғидан хабардор бўлишган.




Кўприк ишини тўхтатди

Хунань провинцияси Чжанцзяцзе Миллий паркидаги Гранд-Каньон узра қурилган дунёдаги энг узун шиша кўприк вақтинчалик ўз ишини тўхтатди. Бу ҳақда "China News Service" агентлиги хабар беради.

Шиша кўприк 20 август кўни тест режимида очилган эди. Агентлик маълумотларига кўра, 2 сентябрдан эътиборан кўприк вақтинчалик ёпилган. Хабар қилинишича, кўприкнинг ёпилишига сабаб, унинг тизимини дастурий ва қурилмавий жиҳатдан янада яхшилашдир. Кўприкнинг қанон меҳмонларни қабул қила олишига оид маълумотлар берилмаган.

Маълумот учун, кўприкнинг узунлиги — 430 метр, кенглиги — 6 метр, баландлиги — 3 метр. Рекордчи кўприк 99 та уч қатламли ўта мустаҳкам шиша панеллардан ташкил толган. Кўприк ишга тушиш вақтида ҳар кўни маҳаллий вақт билан соат 7:00дан 17:00гача хизмат қилган. Кўприк бир вақтнинг ўзида 600 нафар кишини кўтара олади.

Авалги рекорд ҳам Хитой кўпригига тегишли бўлган. 2015 йилнинг кузида Шинючжай Миллий паркида 180 метр баландликда 300 метр узунликдаги кўприк очилган эди.



«LG»нинг ақлли музлатгичи

Музлатгич 29 дюйм диагоналга эга уқан ярим-шаффоф сенсор дисплей билан бойитилган. Таъкидланишича, унинг хизмат кўрсатиши ҳам худди кўриниши каби ажойиб — электрон табассидаги иловалар тез очилади ва қотиб қолмайди.

Маиший техникада бир қатор вазифаларни бажаришга имкон берувчи "Windows 10" иловаларининг тўплами ўрнатилган. Яъни, янги музлатгичда махсулотлар рўйхатини тузиш, таймерга қўйиш, масалликлар яратиш ёки махсулотлар ҳақида турли фойдали маълумотларни сақлаш мумкин бўлади. Музлатгичда "Intel Atom" процессори ва 2 Гб оператив хотира ўрнатилган. Маиший ускунани овоз билан бошқариш ҳам мумкин.

Ишлаб чиқарувчи музлатгичнинг аниқ хусусиятлари ва унинг баҳоси ҳақида маълумот бермаган.

Хабарларга кўра, ушбу ақлли музлатгич жорий йилнинг охирида сотувга чиқарилади.

Лондоннинг улкан



нусхаси ёқиб юборилди

Темза дарёсида минглаб одамлар кўз ўнгида 17-асраги Лондоннинг 120 метрлик улкан ёғоч нусхаси ёқиб юборилди, деб хабар бермоқда "The Telegraph" нашри.

Пойтахт аҳолиси шу йўл билан шаҳарнинг деярли бутун тарихий қисмини йўқ қилиб юборган "Катта ёнғин" номини олган офатнинг 350 йиллигини нишонлади.

Ушбу замонлардаги Лондоннинг ёғоч нусхаси сувувчи солга ўрнатилган эди. Ушбу шоун "Artichoke" компанияси ўзининг "London Burning (Лондон ёнмоқда)" номли олти кўнлик акциясида уюштирган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



Омадли одимлар

Сентябрь ойининг илк кунда 2018 йилда Россия давлатида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида Осид китъасининг сунгги босқич саралаш ўйинлари старт олди. Шу кунни Тошкентда Сурия терма жамоасини қабул қилган Самвел Бабаян шогирдлари 1:0 ҳисобида галаба қозонишди.

"Бунёдкор" стадионидаги ўйинда ягона гол учрашувнинг 74-дақиқасида Александр Гейнрих томонидан киритилди.

Ўйин терма жамоамизнинг тўлиқ устунлигида ўтган бўлишига қарамай, рақиб дарвозаси олдида голга тортадиган ёрқин вазиятлар яратилмади. Очигини тан олиш керак, мазкур учрашувда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари кутилганидек ҳаракат қила олишмади. Бахтимизга ўзининг ноодатий ҳаракатлари билан натижага эриша оладиган Александр Гейнрих бор экан. Акс ҳолда, яна эски аънава давом этиб, жаҳон чемпионатида саралашнинг финал босқичини галабасиз бошлашимиз ҳам мумкин эди. Ҳайрият, Гейнрихнинг голи эвазига галаба қўлга киритилиб, ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги нишонланаётган санада муҳлисларга байрамона кайфият бағишланди.

Самвел Бабаян шогирдларини иккинчи турни Эрон терма жамоасига қарши ўйинда мағлуб бўлган қатарликларга қарши ўтказишди.

Биринчи турдаги мағлубиятдан сўнг фақат ва фақат галаба учун майдонга тушган қатарликлар учрашувнинг бошиданок ташаббусни қўлга олган ҳолда ҳужумкор ўйин кўрсатишга ҳаракат қилишди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари эса асосий эътиборни ҳимояга қаратиб, қарши ҳужумлардан унумли фойдаланиш ҳаракатида бўлишди.

Дастлабки бўлимдан бор кучи билан ҳаракат қилган майдон эгалари ўйиннинг иккинчи қисмида бироз толиқиб қолгандек кўринди. Самвел Бабаян шогирдлари эса иккинчи бўлимда яхшироқ ўйнай бошлашди. Айниқса, майдонга терма жамоамизнинг "сехрли таёқчаси"га айланиб бораётган Александр Гейнрих тушгач, ўйин тизгини вақилларимиз томонга ўтди. Айнан у жарима ишлади ва ўзи жаримани амалга ошириб, Егорь Кримец томонидан жамоамизга галаба келтирувчи голнинг урилишига сабабчи бўлди.

Ушбу галабадан сўнг, Ўзбекистон терма жамоаси 6 очко тўплаган ҳолда "А" гуруҳи пешқадамига айланди олди. Сабаби, бу турда Эрон ва Жанубий Корея терма жамоалари дуранг натижалар қайд этишди.

ЖЧ-2018 саралаш: "А" гуруҳи

№	Жамоа	Ў	Ғ	Д	М	Т.Н	О
1	Ўзбекистон	2	2	0	0	2-0	6
2	Эрон	2	1	1	0	2-0	4
3	Жанубий Корея	2	1	1	0	3-2	4
4	Хитой	2	0	1	1	2-3	1
5	Сурия	2	0	1	1	0-1	1
6	Қатар	2	0	0	2	0-3	0

Иш судгача етиб бормади

Профессионал боксинг суперогир вазн тоифасида иккита йўналиш чемпиони бўлиб турган британиялик Тайсон Фьюри (25-0, 18 КО) ҳамда собиқ жаҳон чемпиони, украиналик Владимир Кличко (64-4, 53 КО) ўртасидаги реванш жанги аввалдан белгиланган вақтда бўлиб ўтади.

Бу маълумотни Фьюрининг амакиси, ҳам мураббийи Питер Фьюри тасдиқлади. Ўтган йили Кличко барча чемпионлик камарларини Тайсон Фьюрига бой бериб қўйганди. Шундан сўнг боксчилар ўртасида реванш жанги ўтказилишига келишиб олинганди.

Аввалига жанг ёзда ўтказилиши белгиланган эди. Аммо британиялик боксчининг оёғидан олган жароҳати бунга йўл қўймади. Кейин жанг мuddати 29 октябрь санага ўзгартирилди.

Лекин вақт ўтиши билан Тайсоннинг жамоаси яна жангини пайсалга сола бошлади. Турли ваҳрлардан чарчаган Кличко Фьюри жамоасини судга беришини маълум қилди. Ортиқча оворагарчиликни истамаган шекилли, британиялик боксчининг жамоаси жанг аввалдан белгиланган мuddатда ўтказилишини тасдиқлади. 29 октябрь кунини "Манчестер Арена"да Кличко ва Фьюри ўртасидаги реванш жанги ўтказилади.



Франция футбол федерацияси (FFF) раҳбари Ноэль Ле Грэ Вальбузани шантаж қилиш бўйича очилган жиноий иш ёпилаганан сўнг Бензема терма жамоага қайтиши мумкин эканлигини маълум қилди.

Бензема кечириладими?



"Мен Бенземанинг терма жамоадан умрбод четлатилишига қаршиман. Аммо олдин суд маҳкамаси ўз ишини яқунлаши керак. Суднинг якуний қарори эълон қилиниши билан Дешам Бензема ҳақида бир қарорга келишига ишонаман", дея Ле Грэ сўзларини келтирмоқда L'Equipe нашри.

Эслатиб ўтамыз, Карим Бензема жамоадоши Матьё Вальбузани шахсий видеосини тарқатиб юбориш билан қўрқитган ва пул ундириш мақсадида шантаж қилган эди. Шундан кейин Бензема терма жамоадан умрбод четлатилганди.

«Реал» Доннаруммага қизиқиб қолди

Мадриднинг "Реал" клуби "Милан" жамоасининг 17 ёшли посбони Жанлуижи Доннаруммага қизиқиб билдирмоқда.



"Қироллик клуби" раҳбари Флорентино Перес Доннарумманинг Италия терма жамоасидаги дебютдан хайратга тушиб, мазкур посбонни ўз клуби сафида кўришни истаб қолди.

Жанлуижи Италия терма жамоасининг Францияга қарши ўтказилган ўртоқлик учрашувида майдонга тушган эди. Доннарумма танаффусдан сўнг Жанлуижи Буффонинг ўрнини эгаллади. 81-дақиқада 17 ёшли дарвозабон Италия терма жамоасидаги илк голини ўтказиб юборди.

Эслатиб ўтамыз, Доннарумма 1911 йилдан сўнг Италия терма жамоасига қақирилган энг ёш дарвозабон бўлди.


Неймарнинг қиёфадоши ҳибсга олинди



Бразилия полицияси Карлос Антонио Родригесни қўлга олди. Неймарга ўхшаш бўлган бу йигит қизлар билан танишиб, уларни шантаж қилиш билан шугулланган, деб хабар бермоқда "Mirgor" нашри.

Қизларга ўзини Неймар, деб таништирган бу йигит, танишиб, суратга тушиб, кейинчалик шантаж қилиб пул ундиришга ҳаракат қилган. Жабрланувчилардан бири полицияга мурожаат қилгач, фирибгар қўлга олинган.

Бербаатов «Палермо» билан музокара ўтказмоқда



"Манчестер Юнайтед" ва "Тоттенхэм" клубларининг собиқ ҳужумчиси Димитар Бербаатов Фролянтини Италия чемпионатида давом эттириши мумкин.

Болгариялик футболчи Италиянинг "Палермо" клуби билан музокаралар ўтказмоқда. Сицилия клуби Марио Балотеллини харид қила олмагандан сўнг бошқа ҳужумчига эътибор қаратди.

Эслатиб ўтамыз, Бербаатов ўтган мавсум яқунлангандан сўнг ПАОКни тарқ этди ва ҳозирда эркин агент ҳисобланади.

Дармиан сотилади

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби ўз ҳимоячиси билан хайрлашишга тайёр. Гап италиялик футболчи Маттео Дармиан ҳақида бормоқда.

Клуб футболчини киши трансфер вақтида сотиб юборишни режа қилмапти. "Қизил иблислар" италиялик ҳимоячининг ўрнига "Монако" клубидан Фабьонни таклиф қилмоқчи.

Ўз навбатида, 26 ёшли Дармианга "Ювентус" ва "Интер" клублари жиддий тарзда қизиқиш билдиришмоқда.

Эслатиб ўтамыз, ўтган мавсумда Дармиан 15 млн. евро эвазига "Манчестер Юнайтед" клуби сафига келиб қўшилган эди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Табаррук ёшингиз билан!



Мамлакатимизда тинчлик, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, Ватанимиз равнақи ва ободлиги, халқимиз фаровонлигини юксалтиришдек масъулиятли ва шарафли вазифага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсонлардан бири Зоҳид Ҳасанов қўтлуг 85 ёшни қаршиламоқда.

У фаолияти давомида Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳар прокуратуралари тизиминда турли лавозимларда, шу жумладан, Қарши ҳамда Зомин туман прокурори лавозимларида хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашган.

Меҳнат фаолияти давомида жамоа ходимларига нисбатан талабчан, ҳамфикр, ўз соҳасида ва жамоат ишларида соғлом рақобат яратувчиси бўлган. Шогирдларига амалий тажриба ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида эъзоз билан тилга олинади.

Зоҳид Ҳасановнинг кўп йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлантирилган.

Хурматли Зоҳид Ҳасанов, қўтлуг айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Касбий фаолияти, инсонийлиги ҳамда шарафли меҳнат йўли билан намуна бўла олган инсонлар орамизда талайгина. Биз бундай инсонларга ҳавас қилиб, келажакда улардек бўлишга ҳаракат қиламиз.

Бугун табаррук 75 ёшни қаршилаётган Ортиқбой Қосимов мамлакатимизда тинчлик, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, Ватанимиз равнақи, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини юксалтиришдек масъулиятли ва шарафли вазифага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олижаноб инсонлардан биридир. У киши қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, ҳамisha билимдон ва тажрибали ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида катта ҳурмат қозонган.

У 36 йилдан ортиқ вақт мобайнида Тошкент вилоят прокуратураси органлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида турли масъул ва раҳбар лавозимларда самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Меҳнатсеварлиги, ходимлар ва ёшларга бўлган ғамхўрлиги ҳамда самимийлиги билан ҳамкасблари эъзозига сазовор бўлган.

Ортиқбой Қосимовнинг садоқат ва матонат билан қилган меҳнатлари ҳукуматимиз ва прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, II даражали "Шон-шараф" ордени ҳамда "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг Фахрий ходими" кўкрак нишонини билан тақдирланган.

Хурматли Ортиқбой Қосимов, таваллуд айёмингиз билан чин дилдан қўтлаймиз! Сизга ва оила аъзоларингизга сийҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, узоқ умр, дастурхонингизга қўт-барак тилаймиз!



Меҳнатсеварлиги, камтарлиги ҳамда хизмат бурчиға содиқлиги билан Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини юксалтиришдек масъулиятли ва шарафли вазифага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олижаноб инсонлардан бири Дмитрий Луценко табаррук 75 ёшни қаршиламоқда.

рининг ёрдამчиси, бўлим прокурори, Урганч шаҳар прокурорининг ёрдამчиси ҳамда катта ёрдამчиси лавозимларида самарали хизмат қилди.

Касбий фаолияти даврида адолатпарварлиги, самимийлиги, изланувчанлиги ва ташаббускорлиги туфайли ҳамкасбларининг эъзозига сазовор бўлиб, барчанин хурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Шогирдлари уни касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган меҳрибон устоз сифатида қадрлашади.

Дмитрий Луценконинг кўп йиллик меҳнат фаолияти, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлантирилган.

Хурматли Дмитрий Павлович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга файзу барак ва узоқ умр тилаб қоламиз.

Прокуратура органлари тизимида кўп йилларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган Рустам Раупов табаррук 70 ёшни қарши олмақда.

У фаолияти давомида Самарқанд ва Қашқадарё вилоят прокуратуралари тизимида турли масъул лавозимларда самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ишлаш даврида фидойилиги, меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги, адолатпарварлиги туфайли ҳамкасбларининг хурмат-эътиборига сазовор бўлган.

Шогирдлари уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайдилар.

Рустам Рауповнинг кўп йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча бор рағбатлантирилган.

Хурматли Рустам Раупов, табаррук ёшингиз муборак бўлсин. Сизга узоқ умр ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Эгу ишларни амалга ошириш миллатимизга хос фазилатлардан саналади. Ёрдамга эҳтиёжманда кишиларни йўқлаш, уларга меҳр кўрсатиш, кўнглини кўтариш давлатимиз томонидан белгиланган устувор сиёсатнинг бир кўринишидир.

Олижаноб фазилат

Моҳира ШАКАРОВА,
«Ҳуқуқ»

Хусусан, Бухоро вилоят прокуратураси ташаббуси билан "Шифо-нур-кўз" микрожарроҳлик клиникасининг Бухоро филиали томонидан ҳудуддаги 32-сон Меҳрибонлик уйида акция тадбири ўтказилди.

Клиниканинг қулоқ-бурун ҳамда кўз касалликлари бўйича олий тоифали шифокорлари томонидан муассаса тарбияланувчилари тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Унинг натижаларига кўра, кўриш ва эшитишида нуқсони бор бўлган болажонларга бепул тиббий хизмат кўрсатилди.

Шунингдек, даволаш ишларини давом эттириш лозим бўлган болаларга клиниканинг йўлланмаси берилиб, кўришида нуқсонни бор ўғил-қизларга тегишли мосламалар тақдим этилди.

Мустақил юрт ижодкорлари

Ўзбекистон давлат санъат музейида "Мустақил юрт ижодкорлари" номида кўргазма ташкил этилди.

Кўргазманингни очилишида Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов хотираси ёдга олинди. Президентимиз ўз фаолияти давомида барча соҳа вакиллари қатори ижод аҳлига ҳам ўз истеъдодини намойён этиши, эркин ва самарали ишлаши учун барча шарт-шароит яратишга катта эътибор қаратгани алоҳида таъкидланди.

Кўргазмада Раҳим Аҳмедов, Ориф Муинов, Дилором Мамедова, Акмал Нуриддинов, Анвар Мирсоатов каби таниқли мусаввирларнинг



мамлакатимизнинг мустақиллиги йиллари турли соҳаларда кўлга киритган ютуқлари, юртимиз ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи рангтаъсир асарлари намойиш этилмоқда.

ЎЗА

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Қонунчилик ижроси устидан назорат Бош бошқармаси бошлиғи Улдуғбек Суннатовга падари бузрукворини

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Бектемир туман прокуратураси катта ноэри Санжар Акбаралиевга волидан муҳтарамаси

Жалли отанингни
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

Нурания аянингни
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ изҳор қилади.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Gulnoza RAHIMOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85

E-mail:

huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtasi nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

□ — tijorat materiali.

Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi

231

Buyurtma s-6936. 38 372 nusxada bosildi.

Ong'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teridli va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: D.XALILOV

Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Navbatchi: O'DEHOQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.

Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan no'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa jididiy uyida chop etildi. Korxonada nashr: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.